



Inter-Parliamentary Union

For democracy. For everyone.



**UNHCR**

Агентство ООН по делам беженцев



# Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришнинг муваффақиятли амалиёти

## Миннатдорчиликлар

Ушбу нашр Парламентлараро Иттифоқ (ПАИ) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси (БМТ ҚОКБ) билан биргаликда тайёрланган.

**Муаллифлар:** Ушбу нашр асосан БМТ ҚОКБ томонидан тайёрланган, бу лойиҳани амалга оширишга Мариана Олайзола Розенблат (Mariana Olaizola Rosenblat) томонидан амалга оширилган чуқур тадқиқотлар ёрдам берди. Халқаро ҳимоя бўлимининг фуқаросизлик масалалари бўйича секцияси бошлиғи Мелани Ханна (Melanie Khanna) лойиҳани ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди, ушбу нашрни ёзиш ва таҳрир этишга ёрдам берди. Фуқаросизлик масалалари бўйича секциянинг бошқа ходимлари, шу жумладан Лена Хаап (Lena Haap), Радха Говил (Radha Govil), Анна де ла Варго Фито (Anna de la Vargo Fito) ва Фернандо Биссако (Fernando Bissacot), тадқиқотлар ўтказишга ва шарҳни тайёрлашга кўмаклашдилар. БМТ ҚОКБнинг фуқаросизлик масалалари бўйича минтақавий ходимлари Радха Говил, Мелани Ханна ва Шахрзад Таджбаш (Shahrzad Tadjbakhsh), Халқаро ҳимоя бўлими директорининг ўринбосари муҳаррир-таҳрирчи сифатида иш кўрганлар.

Бундан ташқари, муаллифлар ПИА кўмитасига халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига амал қилинишига кўмаклашиш бўйича қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчиликларини билдирадилар.

Ушбу нашрнинг ҳар қандай қисми муаллифлик ҳуқуқлари ва манбани кўрсатиш, шунингдек қандайдир ўзгартиришлар киритмаслик шarti билан шахсий ва нотижорат тарзида фойдаланиши мумкин. Парламентлараро Иттифоққа нашр мазмунидан фойдаланиш тўғрисида маълум қилинишини сўраймиз.

Қонунчилик тўғрисидаги барча қонунлар ушбу қўлланмани тайёрлаш пайтида амал қилаётгандек тушунилди. Фуқаролик тўғрисидаги қонунларга мунтазам равишда ўзгартиришлар киритилиб турилиши муносабати билан айрим ҳаволалар вақт ўтиши билан ўз долзарблигини йўқотиши мумкин. Муаллифлар очиқ фойдаланиш имконияти бўлган расмий таржималарга таянганлар. Расмий таржималар очиқ бўлмаганида таржима ўз кучларимиз томонидан амалга оширилди, бунда ҳар қандай хатолар бўлиши мумкин, бу тўғрисида ПИАга ёки БМТ ҚОКБга хабар қилиш лозим.

© Парламентлараро Иттифоқ, 2018 йил

**Муқовадаги сурат:** © БМТ ҚОКБ/Мидхат Потурович (Midhat Poturovic)

Босния ва Герцеговина. Узоқ муддатли қарорларни қўллаб-қувватлаш. Амалга ошириш стратегиясини қайта кўриб чиқиш. Дейтон VI тинчлик битимига илова.

Ромск миллатига мансуб аёл ва унинг фуқаросизлик хавфига дучор бўлган вояга етмаган боласи БМТ ҚОКБ шериги – «Vasa Prava BiH» ташкилоти ёрдамида олган фуқаролиги ва туғилиши тўғрисидаги гувоҳномани кўрсатишган. БМТ ҚОКБнинг бепул ҳуқуқий ёрдам тақдим этган шериги бўлган ноҳукумат ташкилоти Босния ва Герцеговинада фуқаросизлик хавфига дуч бўлаётган озчиқликни ташкил қиладиган ромск жамоаси вакилларига ҳуқуқий масалаларни ҳимоя қилиш ҳамда туғилиш/фуқароликни рўйхатга олиш масалаларида ёрдам кўрсатади. ПИАнинг ЕИ ва БМТ ҚОКБ томонидан биргаликда молиялаштирилган 2012 йилги лойиҳаси Босния ва Герцеговинадаги қайтиб келган ва ичкарида кўчиб юрган озчиқликни ташкил қилувчиларни ижтимоий интеграциясини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

**Дизайн ва саҳифалаш:** BakOS Design, [www.bakos.sk](http://www.bakos.sk)

Ушбу асар БМТ ҚОКБнинг буюртмаси ассосида жаноб Эркин Эрназаров томонидан амалга оширилган норасмий таржимадир. Парламентлараро иттифоқ таржимага олиб келиши мумкин бўлган хатолар ёки нотўғри талқинлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**ISBN:** 978-92-9142-811-3 Handbook on statelessness (Uzbek)

# Мундарижа

Кириш сўзи.....	4
Сўз боши.....	6
<b>Болалар ўртасида фуқаросизликка карши кафолатлар .....</b>	<b>8</b>
Кириш.....	8
Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларнинг қўшимча қоидалари.....	9
Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари .....	10
<b>Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер тенглиги .....</b>	<b>14</b>
Кириш.....	14
Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари .....	15
<b>Фуқаролиги йўқ шахслар мақомини аниқлаш ва соддалаштирилган натураллаштириш тартиблари.....</b>	<b>20</b>
Кириш.....	20
Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари .....	22
<b>Фуқароликни йўқотиш.....</b>	<b>25</b>
Кириш.....	25
Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари .....	26
<b>Фуқароликдан маҳрум қилиш.....</b>	<b>29</b>
Кириш.....	29
Қўшимча халқаро стандартлар .....	30
Қонунлар ва яхши амалиётларга мисоллар .....	31
<b>Фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришга йўналтирилган намунавий ҳуқуқий қоидалар.....</b>	<b>34</b>
<b>Қуйидагилар тўғрисида бир нечта сўз... ..</b>	<b>37</b>
БМТ ҚОКБ .....	37
ва Парламентлараро иттифоқ тўғрисида.....	38

## Кириш сўзи

“Фуқаролик ва фуқаросизлик” қўлланмасининг биринчи таҳрири 2005 йилда эълон қилинган пайтдан бошлаб БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси (БМТ ҚОКБ) ва Парламентлараро Иттифоқ (ПАИ) фуқаросизликнинг янги ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган ҳамда фуқаросизлик ҳолатларининг чўзилиб кетилишини ҳал этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашда ўз шериклигини мустаҳкамладилар. Ушбу қўлланмада (унинг иккинчи таҳрири 2014 йилда нашр этилган эди) асосий эътибор фуқаро бўлиш ҳуқуқи ва фуқаросизликни камайтиришга тааллуқли халқаро норматив-ҳуқуқий асосга қаратилди. Бундан ташқари унда парламент аъзолари ана шу норматив ҳуқуққа мувофиқ бўлган қонунчиликни қабул қилиш, шунингдек ўз давлатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаросизлик тўғрисидаги иккита конвенциясига қўшилишларига кўмаклашишдаги роллари таъкидланади. Янги қўлланмада муаллифлар томонидан янада кенгроқ иш қилинди ва фуқаросизликка барҳам беришга тааллуқли қатор мавзулар бўйича давлатлар қонунларининг қоидалари мисоллари келтирилди.

Ана шундай мақомда бўлганларга фуқаросизликнинг таъсири жуда жиддийдир. Қоида бўйича, фуқаросизлик кўпчилик одамлар учун ўз-ўзидан назарда тутилган деб ҳисобланадиган асосий ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини бермайди. Бундай ҳуқуқларга мактабга қатнаш, шифокорга муурожаат қилиш, иш топиш, банкда ҳисоб рақами очиш, сайловларда овоз бериш, турмуш қуриш, шунингдек ўз фуқаролигини болаларга бериш имконияти тааллуқлидир. Бу ноиложлик, ва унинг оқибатида фуқаролиги йўқ шахслар жабр кўриб, эксплуатация ва суиистеъмолликларнинг энг мусибатли шаклларига дучор бўлишларига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, жамолардаги аниқ гуруҳларда бўлган одамларга тааллуқли бўлган фуқаросизлик ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида зўравонлик можароларига ва одамларнинг мажбуран кўчиб юришига олиб келади.

2015 йилда БМТ ҚОКБ, ПАИ ва Жанубий Африка парламенти биргаликда “Хар бир шахннинг фуқарорликка ҳуқуқи” мавзусида конференция ўтказдилар, унда жаҳондаги турли мамлакатларнинг парламент аъзолари иштирок этди. Ушбу конференция фуқаросизликка барҳам беришга йўналтирилган қарорларга нисбатан хабардорликни оширишга ёрдам берди. Ўша пайтдан бери ана шу икки ташкилот парламент аъзолари учун БМТ томонидан 2024 йилгача фуқаросизликка барҳам бериш бўйича ўзининг ўн йиллик кампаниясини бошлаганидан кейин фуқаросизлик муаммосини ҳал этиш соҳасида сезиларли тараққиёт тўғрисида мунтазам ахборот шарҳларини тайёрлашни таъминлаш устида иш олиб бормоқда. Масалан 20 та янги мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаросизлик тўғрисидаги конвенциясига қўшилди, қонунчиликнинг ўнтадан кўпроқ тегишли ислоҳотлари ўтказилди, аввал фуқаролиги йўқ бўлган юз минглаб одамларга фуқаролик тақдим этилди.

2019 йилда #belong ушбу кампания ўртасига келди, бунга яқинлашишда БМТ ҚОКБ ва ПАИнинг лойиҳаси ҳамон ўз мажбуриятларига содиқ ҳамда ҳукуматлари узил-кесил фуқаросизлик каби ҳолатдан ҳалос бўлишлари учун парламент аъзоларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз ана шу қўлланмада улар бирорта бола фуқаросиз туғилмаслиги, эркаклар ва аёллар тенг даражада ўз болаларига фуқароликларини бериш имкониятига эга бўлишлари, бирорта одам ҳам ихтиёрий равишда фуқароликдан маҳрум этилмаслиги, фуқаролиги йўқ шахслар аниқланиши, уларни натураллаштириш соддалаштирилиши учун қонунчиликни ислоҳот этишга зарур бўлган амалий тавсияларни топадилар деб умид қиламиз. Биз ана шу қўлланма давлатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва бошқа манфаатдор томонлар томонидан 2024 йилгача фуқаросизликка барҳам бериш жараёнини тезлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга ёрдам берадиган востита сифатида кенг ёйилитишга умид қиламиз.



Филиппо Гранди (Filippo Grandi)  
БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари



Мартин Чунгонг (Martin Chungong)  
Парламентлараро Иттифоқнинг Бош котиби

## Сўз боши

Бугунги кунда фуқаросизлик муаммоси яқин ўтмишда бўлганига нисбатан кенг тан олинмоқда. Бу кўп жиҳатдан ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат тузилмаларининг фуқаролиги йўқ шахсларнинг аянчли аҳволига эътиборни кучайтиришга ва фуқаросизликнинг олдини олиш ҳамда уни камайитиришнинг муҳимлигига эътиборни жалб этишга йўналтирилганлиги натижасида содир бўлмоқда. Парламентлараро Иттифоқ (ПАИ) ва БМТ ҚОКБнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси – БМТ агентлигига фуқаросизлик муаммосини ҳал этиш топширилган бўлиб, улар кўпдан бери ушбу соҳада ҳамкорлик қилиб, парламент аъзоларига фуқаросизлик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган халқаро стандартларга мувофиқ бўлган миллий қонунларни ислоҳ этишда ёрдам бермоқда. Шу мақсадда 2005 йилда ҳар икки ташкилотнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Фуқаролик ва фуқаросизлик масалалари бўйича парламент аъзолари учун қўлланманинг биринчи таҳрири нашр этилди. Ушбу қўлланманинг иккинчи таҳрири 2014 йилда эълон қилинди ва худди шу йили БМТ ҚОКБ 2024 йилда #Ibelong фуқаросизликка барҳам бериш бўйича кампанияни бошлади. Ушбу саъй-ҳаракатларни давом эттириш мақсадида БМТ ҚОКБ ва ПАИ янги нашр – парламент аъзолари учун *“Фуқарорлик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликнинг олдини олиш ва уни камайитиришнинг муваффақиятли амалиёти”* қўлланмасини таклиф этишади. Ушбу қўлланма аввалги асосий эътибор фуқаролик ҳуқуқига нисбатан халқаро норматив-ҳуқуқий асослар, шунингдек фуқаросизлик пайдо бўлишининг техник сабабларига эътибор берилган аввалги нашрни тўлдиради. Ушбу янги нашрда давлатларда амал қилаётган ҳуқуқий қоидаларнинг амалий мисоллари келтирилади ва бу қуйидагиларга эришиш имконини беради:

- болалар ўртасида фуқаросизликнинг тўла олдини олиш
- фуқаролик тўғрисидаги қонунлардан гендер камситиш элементини олиб ташлаш;
- фуқаролиги йўқ шахсларни аниқлаш учун тартибларни жорий этишни ва уларни натураллаштиришни соддалашти ишни;
- фуқаросизликдан маҳрум қилиш ва йўқотишнинг барча ҳолатларида одамлар фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қолмаслигини таъминлаш.

Ушбу қўлланмада, шунингдек қонунчилик тўғрисидаги қонунлардаги муайян муваффақиятли амалиёт баён этилган ва бу рағбатлантирилади, барча давлатлар томонидан уларни эътиборга олиш тавсия қилинади.

Бахтга кўра, 2018 йилга келиб умуман қонунларни БМТнинг фуқаросизлик тўғрисидаги икки конвенцияси ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги турли шартномаларга мувофиқлаштириш учун ислоҳ қилишга нисбатан ижобий тенденция кўзга ташланди. Масалан, йиллар ўтиши билан оналарга ўз болаларига оталар билан тенг равишда фуқароликни беришга рухсат берилмайдиган давлатлар сони сезиларли даражада камайди, бу билан жаҳондаги фуқаросизликнинг кўламли манбаи ҳам камайди. Шунга қарамасдан ушбу қўлланма нашр этилаётган санада 25 та давлатда ана шундай гендер камситиш қонунлари сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда кўпгина давлатларда фуқаролиги йўқ шахслар бошқа давлатлар худудида туғилган ёки топилган болаларга фуқароликни тақдим этиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлса ҳам бошқа кўпгина мамлакатлардан ана шундай кафолатлар мавжуд эмас ёки бундай қоидалар қисман ёхуд муайян шартлар бўйича амал қилади. Бунинг оқибатида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида болалар ўртасида фуқаросизлик сақланиб қолмоқда. Болалар улғайганидан кейин эса улар ўз фуқаросизликларини фарзандларига бериш хавфига дучор бўладилар. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, камида бир соҳада – фуқароликдан маҳрум

қилишда айрим мамлакатларда амалда фуқаросизлик хавфини кўпайтирадиган янги қонунлар ва амалиётлар пайдо бўлмоқда.

Яхшиямки, бугунги кунда давлатлар маргиналлаштириш, камбағаллик, можаролар ва беқарорлик ўртасидаги алоқадорликни яхши англамоқдалар, бу Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибиде ўз ифодасини топган бўлиб, унда давлатлар “ҳеч кимни орқада қолдирмаслик қарорини қабул қилдилар”. Бугунги кунда ҳеч ким фуқаролиги йўқ шахслардек шу қадар орқада қолмади, ана шу шахслар кўпинча мактабга қатнай олмайди, қонуний асосда ишлаш, банкда ҳисоб рақамини очиш ёки шифокорга мурожаат этиш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари, ана шундай шахсларни ижтимоий ҳаётдан маҳрум этиш жамоалар ва умуман жамиятнинг фаровонлиги ҳамда барқарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Ҳақиқатдан ҳам афсуски кейинги ҳодисалар фуқаросизлик ҳали ҳам ижтимоий тартибсизликлар, можаролар ва аҳолининг кўчиб юриши сабаблари, шунингдек тегишли шахслар учун инсон ҳуқуқларининг жиддий муаммоси ҳисобланади. Шунга қарамасдан ушбу нашрда ўзининг ёрқин ифодасини топганидек, фуқаросизлик муаммосини ҳал этиш техник жиҳатдан жуда соддадир. Ҳозирги пайтда фуқаросизликка барҳам бериш бўйича кампания ўз муддатининг ўртасига яқинлашмоқда ва барча давлатлар ана шундай ёмон ҳолатга узил-кесил барҳам бериш учун янада кўпроқ саъй-ҳаракатлар қилишлари зарур. БМТ ҚОКБ ва ПАИ ушбу қўлланмада келтирилган техник тавсиялар давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш учун зарур чораларни қўришларига умид қилади.

# Болалар ўртасида фуқаросизликка қарши кафолатлар

## Кириш

Фуқаролиги йўқ бўлиб туғилган ҳар қандай бола тўла ва самарали ҳаёт кечириш қобилиятдан жиддий равишда чегараланган бўлади. Шундай бўлса ҳам болалар ўртасида фуқаросизликнинг тўла олдини олиш ва бартараф этиш ҳал этилиши керак бўлган муаммодир. Шу сабабли, БМТ ҚОКБ туғилишда фуқаросизликка барҳам беришни ўзининг 2014-2024 йилларда фуқаросизликка барҳам бериш бўйича глобал ҳаракат режасига (“Глобал ҳаракат режаси”) асосий ҳаракат сифатида киритди.<sup>1</sup>

Давлатлар фуқаролик тўғрисидаги қонунларда фуқаросизликка нисбатан тегишли кафолатларни таъминлаб, авлоддан авлодга фуқаросизликни узатилишини сақланиб қолинишини, шунингдек ота-оналари фуқароликка эга бўлган ҳолда буни фарзандларига бера олмасликлари ҳолатидан қочишлари мумкин. Бундан ташқари, тегишли кафолатлар ота-оналари номаълум бўлган етим ёки ташлаб кетилган болалар (“топилган болалар”) фуқаросиз бўлиб қолмасликларини тегишли равишдаги кафолатларини таъминлайди.

## Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги 1961 йилги Конвенция қоидалари

1961 йилги фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция қоидалари Болалар ўртасида фуқаросизликка тааллуқли халқаро стандартларнинг энг батафсил тўпламини 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенцияда (1961 йилги конвенция) топиш мумкин.<sup>2</sup> Ушбу ҳужжатда аҳдлашувчи томонлар учун уч принциплар мажбуриятлар ўрнатилади, уларни ялпи амалга оширишда бир авлод ҳаёти давомида фуқаросизликка самарали барҳам бериледи:<sup>3</sup>

- биринчидан, 1961 йилги конвенция 1-моддасига мувофиқ аҳдлашувчи давлатлар акс ҳолда фуқаросиз шахслар бўлиб қолиши мумкин болаларга ҳудудларида туғилган болаларга автомат тарзда ёки 1(1)(б)-моддасида санаб ўтилган муайян йўл қўйиш мумкин бўлган шартлар билан мурожаат қилинганида ўз фуқаролигини тақдим этиши керак.

<sup>1</sup> Ушбу принципга тааллуқли тавсиялар билан танишиш учун #Ibelong кампанияси ва Глобал ҳаракат режаси #Ibelong сайтининг [www.unhcr.org/ibelong-campaign-to-end-statelessness.html](http://www.unhcr.org/ibelong-campaign-to-end-statelessness.html) манзилига ўтинг. Глобал ҳаракат режаси 2-Ҳаракатининг “Бирорта бола ҳам фуқаросиз бўлиб туғилмаслигини таъминлаш учун” БМТ ҚОКБнинг 2017 йил 20 мартдаги “Илғор тажриба мисоли. 2-Ҳаракат: “Бирорта бола ҳам фуқаросиз бўлиб туғилмаслигини таъминлаш учун” ҳужжатга қаранг: [www.refworld.org/docid/58cfab014.html](http://www.refworld.org/docid/58cfab014.html) манзили.

<sup>2</sup> Ушбу принципга тааллуқли тавсиялар билан танишиш учун қаранг: БМТ ҚОКБяяяяя. Фуқаросизлик масалалари бўйича 4-тавсиялар: 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги 1-4- моддаларига мувофиқ. Ҳар бир боланинг фуқаролики олиш ҳуқуқини таъминлаш 2012 йил 21 декабрь, адресу: [www.refworld.org.ru/docid/5405901e4.html](http://www.refworld.org.ru/docid/5405901e4.html). Манзилида мавжуд.

<sup>3</sup> 2014 йилда Глобал ҳаракат режаси йўлга қўйилган пайдан бошлаб 1961 йилги конвенцияда иштирок этувчи давлатларнинг сони 61 тадан 71 тага етди. Глобал ҳаракат режаси 9-Ҳаракатига мувофиқ БМТ давлатларни ушбу конвенцияга қўшилишга рағбатлантириш ва уларга ёрдам тақдим ишини давом эттирмоқда.



- иккинчидан, 1(4)-модда ва 4-моддага мувофиқ, ахдлашувчи давлатлар чегараси ташқарисида туғилган, агар ота-оналаридан бири ушбу давлатнинг фуқаролигига эга бўлса ва агар акс ҳолда бундай болалар фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қоладиган бўлса, уларга ўз фуқаролигини тақдим этиши зарур.
- учинчидан, 2-моддага мувофиқ, ахдлашувчи давлатлар ўз ҳудудларида ташлаб кетилган болалар аниқланганда, уларга фуқаролигини тақдим этиши керак.

## Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларнинг қўшимча қоидалари

Кўпгина мамлакатлар томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қатор ҳужжатларда фуқаролиги йўқ болаларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қўшимча қоидалар ва принциплар мавжуддир. 170 та давлат иштирокчи ҳисобланган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (ФСХХП) “ҳар бир бола фуқароликни олиш ҳуқуқига эга” (24(3)-модда) деб ўрнатилган.

Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 194 та мамлакат томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида (БХК) “Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиши”, шунингдек имконияти борича ўз ота-оналарини билиш, улар томонидан ғамхўрлик қилиниши ҳуқуқига эгалиги (7(11)-моддаси) кўзда тутилган. Ушбу ҳуқуқни амалга оширишда, жумладан “агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда бажарилишини таъминлаш” (7(2)-модда) кўзда тутилган. БХК 3-моддасига мувофиқ, 7- ва 8-моодалари билан биргаликда болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилиши мустаҳкамлаб қўйилган.<sup>4</sup>

*Фуқаролик тўғрисидаги Европа конвенциясида* (ФЕК) ушбу конвенциянинг иштирокчилари бўлган Европа давлатларига нисбатан қўлланиладиган ҳужжат шунингдек у 1961 йил конвенцияга ўхшашдир. Жумладан, акс ҳолда фуқаросиз шахс бўлиб қоладиган, бунда қонун кучда бўлганлиги сабабли давлат ҳудудида топилган ва туғилган болалар фуқароликни олиши кўзда тутилади.<sup>5</sup> *Америка Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Африка Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги хартиясида* ҳам фуқаролик ҳуқуқи кўзда тутилади. Ушбу ҳужжатларнинг ҳар бирида бола туғилган мамлакат зиммасига туғилганида бошқа фуқароликни олмаган болаларга нисбатан 1961 йилги конвенцияда мавжуд мажбурият юклатилади.<sup>6</sup>

1961 йилги конвенцияда бола туғилганлиги рўйхатга олинishi бевосита тилга олинмаса ҳам кўпинча бу боланинг маълум фуқаролик ва фуқароликларга булган ҳуқуқини асосий исботи воситаси бўлиб хизмат қилади. Туғилганда рўйхатга олишда бериладиган ҳужжатларда энг камида боланинг номи, туғилган санаси ва жойи, шунингдек ота-оналарининг исмлари мавжуд бўлади.

<sup>4</sup> БХК 3(1)-моддаси қуйидагича қайд этилган: “Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъий назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилди”.

<sup>5</sup> 6(1)(б), (2)(а) ва (2)(б)-моддаси.

<sup>6</sup> Америка Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 20(2)-моддаси; Африка Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги хартияси 6(4)-моддаси, 2014 йилда Африка бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича экспертлар қўмитаси. Африка Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги хартияси 6-моддасига нисбатан умумий тартибдаги изоҳларни қабул қилди.

Шу тарзда ушбу маълумотлар қоида бўйича келиб чиқиши ёки туғилиш жойига асосланган ҳолда фуқаролик ҳуқуқи исботи бўлиб хизмат қилади. Тегишли равишда зарур норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва туғилишни рўйхатга олиш тартибини болалар ўртасида фуқаросизликка нисбатан кафолатларнинг энг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари бола туғилишининг рўйхатга олиниши бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қатор халқаро шартномаларнинг, шу жумладан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ФСХХП) 24(2)-моддаси, ва БХКнинг 7(1)-моддасига мувофиқ мажбурият ҳисобланади. Ана шу икки ҳужжатга мувофиқ давлатлар бола туғилиши биланоқ боланинг ҳуқуқий мақоми ёки унинг ота-оналари ҳуқуқий мақомидан қатъи назар ҳеч бир камситишсиз дарҳол рўйхатга олинишини таъминлаши зарур.<sup>7</sup> Бундан ташқари туғилганда рўйхатга олиниш ҳуқуқи БМТнинг Мигрант меҳнаткашлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (29-модда), БМТнинг Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги конвенцияси 18(2)-моддаси, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қатор минтақавий ҳужжатларда тасдиқланади.<sup>8</sup> Туғилганда рўйхатга олинишнинг муҳимлигига нисбатан янада батафсил шарҳлар ва ушбу соҳадаги илғор тажриба мисоллари билан танишиш учун, БМТ ҚОКБнинг 2017 йил ноябрдаги “Илғор тажриба мисоллари – 7-Харакат: фуқаросизликнинг олдини олиш мақсадларида туғилишда рўйхатга олишни таъминлаш”га мурожаат қилинг.<sup>9</sup>

## Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари

Ушбу бўлимда юқорида қайд этилган кафолатларнинг санаб ўтилганларининг биттаси ёки бир нечасининг қонунлардаги мисоллари келтирилади. Барча давлатлар томонидан ҳамма уч фаолият қамраб оладиган қоидаларни қабул қилиш бутун жаҳонда болалар ўртасида фуқаросизликка барҳам беришга жиддий равишда ёрдам берган бўларди.<sup>10</sup>

### 1. Акс ҳолда фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қоладиган давлат ҳудудида туғилган болаларга фуқароликни тақдим этиш

1961 йилги конвенцияга мувофиқ, Аҳдлашаётган давлатлар улар ҳудудида туғилган акс ҳолатда фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қоладиган болаларга фуқароликни тақдим этишлари зарур. Конвенцияда давлатлар томонидан ана шундай болаларга фуқароликни тақдим этишнинг ягона мажбурий воситаси ўрнатилмаган, балки бу автомат тарзда ёки мурожаат қилинганда берилади. Бироқ кейинги ҳолатда 1961 йилги конвенцияда давлатлар болаларнинг фуқароликни тақдим этиш тўғрисида мурожаат беришига нисбатан ўрнатилиши мумкин бўлган шартлар учун ташқи чегаралашлар ўрнатилади:

- мурожаат бўйича иш олиб бориш муддати тўғрисидаги талаб: у “ўн саккиз ёшга етгунга кеч бўлмаган ҳолатда ва йигирма бир ёшга етгандан илгари бўлмасдан тугалланади” (1-(2)(a)-модда);

<sup>7</sup> Қаранг: БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, 24-моддага (бола ҳуқуқлари) нисбатан Умумий тартибдаги 17-мулоҳазалар, [www.refworld.org/docid/45139b464.html](http://www.refworld.org/docid/45139b464.html) манзилида.

<sup>8</sup> Масалан қаранг: Африка Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги хартия, 6(2)-модда, Исломда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт, 7(1)-модда.

<sup>9</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, илғор тажриба мисоллари – 7-Харакат: Фуқаросизликнинг олдини олиш мақсадларида туғилишни рўйхатга олишни таъминлаш: [www.refworld.org/docid/5a0ac8f94.html](http://www.refworld.org/docid/5a0ac8f94.html) манзилида.

<sup>10</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, илғор тажриба мисоллари – 2-Харакат, юқорида.

- Ахдлашаётган давлатлар томонидан белгиланган муддат давомида доимий яшаш тўғрисидаги талаб: “у мурожаат берилгандан бевосита беш йилдан ортмаслиги, умуман ўн йилдан кўп бўлмаслиги зарур” (1(2)(б)-модда);
- жиноий ўтмиш билан боғлиқ чегаралашлар (1(2)(с)-модда);
- тегишли шахс ҳамиша фуқаролиги йўқ шахс бўлганлигига мувофиқлик шarti (1(2)(д)-модда).

1961 йилги конвенцияга мувофиқ бошқа ҳар қандай шартлар ўрнатилишига йўл қўйилмайди. Ахдлашаётган давлатлар ўз фуқаролигини фақат ота-оналари қонуний равишда ушбу давлатда яшаётган ота-оналарнинг болаларига ўз фуқаролигини тақдим этиши мумкин эмас. Боланинг фуқароликни олиш ҳуқуқи Ахдлашаётган давлат томонидан ота-оналари ҳуқуқий мақомидан қатъи назар боланинг фуқаролик ҳуқуқи кафолатланиши керак.

Бу 1961 йилги конвенцияга мувофиқ талаб қилинмаса ҳам, фуқаролик туғилган пайтидан автоматик равишда берилиши тўғрисида қонунлар қоидаларини жорий этиш энг мақбул амалиёт ҳисобланади.<sup>11</sup> Ана шундай қонунлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 3-7-моддаларида ўрнатиладиган “боланинг энг яхши манфаатлари” принципига, шунингдек фуқаросизликка йўл қўймаслик принципига – ушбу пайтда айримлар нормал халқаро ҳуқуқ мақомини олган деб ҳисобланадиган принципга мувофиқ бўлади.<sup>12</sup> Агар давлат мурожаат бўйича ўз фуқаролигини тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қиладиган бўлса, бунда 1961 йилги конвенциянинг 1(2)-моддасига мувофиқ йўл қўйиш мумкин бўлган ҳар қандай шартларни ўрнатилиши билан, бола узоқ вақт давомида фуқаросиз бўлиб қолишига олиб келишига йўл қўймаслиги керак.<sup>13</sup>

Акс ҳолда фуқаролиги йўқ бўлиб қоладиган болаларга фуқароликни автомат тарзда тақдим этиш тўғрисидаги кафолатга мисолни **Гвинея-Бисауда** кузатиш мумкин. Унинг фуқаролик тўғрисидаги қонунда (2010 йилда тўлдирилган) “Гвинея фуқароси – бу ... унинг ҳудудида туғилган ва бошқа давлат фуқаролигига эга бўлмаган ҳар қандай шахсдир”.<sup>14</sup>

Худди шу тарзда **Болгариянинг** фуқаролик тўғрисидаги қонунда унга 2013 йил февралда киритилган ўзгаришлар билан “Болгария фуқароси келиб чиқиши бўйича бошқа давлатнинг фуқаролигини олмаган, Болгария ҳудудида туғилган ҳар бир шахс фуқаро ҳисобланади.”<sup>15</sup>

Ушбу қоида тегишли тарзда давлат ҳудудида туғилган барча болаларни қамраб олади, улар “акс ҳолда фуқаролиги йўқ бўлган шахслар бўлиб қоларди”. Ушбу қоидаларни қўллаш фуқаролиги йўқ шахслар бўлган ота-оналарнинг ёки давлат ҳудудида қонуний яшаётган ота-оналарнинг болалари билан чегараланмайди. Бундан ташқари, ана шу қоидалар ёрдамида бошқа давлат фуқаролигига ҳуқуқи бўлмаган болаларгагина нисбатан қўллаш хавфлининг олди олинади. Халқаро ҳуқуққа фуқаролиги йўқ шахс қонун кучи бўйича қўйсидир давлатнинг фуқароси сифатида қўрилмаган фуқаролиги йўқ шахс сифатида белгиланиши сабабли баҳолашни эҳтимол тутилган ёки бўлғусида эмас балки ҳозирги пайтда қилиш керак.<sup>16</sup>

<sup>11</sup> БМТ ҚОКБ фуқаросизлик масалалари бўйича 4-тавсиялар: 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенцияси 1-4-моддаларига мувофиқ ҳар бир боланинг фуқароликни олиш ҳуқуқини таъминлаш, 2012 йил 21 декабрь, HCR/GS/12/04, [www.refworld.org.ru/docid/5405901e4.html](http://www.refworld.org.ru/docid/5405901e4.html) манзилида.

<sup>12</sup> Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенцияга тушунтириш маърузасининг 4-моддасида ана шу принцип мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда фуқаросизликка йўл қўймаслик мажбурияти одатдаги халқаро ҳуқуқнинг қисми сифатида тилга олинади. Қаранг: ЕКГ, ETS N°166, 1997 йил, 33-банд: <https://rm.coe.int/16800ccde7> манзилида.

<sup>13</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, Фуқаросизлик масалалари бўйича тавсиялар, юқорида, 11-банд.

<sup>14</sup> Lei da Nacionalidade, Lei N°6/2010, 5-модда.

<sup>15</sup> Болгария фуқаролиги тўғрисидаги қонун (2013 йил февралдаги сўнгги ўзгаришлар билан), 10-модда.

<sup>16</sup> 1954 йилги Фуқаролиги йўқ шахс мақоми тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддаси.

Ахдлашаётган давлатлар ҳудудларида туғилган, акс ҳолда фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қоладиган болаларга фуқароликни автомат тарзда тақдим бериш ўрнига мурожаат қилиш тартибини қўллашга қарор қилишлари мумкин. Ана шундай давлатлар тегишли ота-оналарга фуқароликни олиш имкониятлари, шунингдек мурожаатни қандай бериш<sup>17</sup> ва қандай шартларга амал қилиниши кераклиги тўғрисида батафсил маълумот тақдим этишлари керак.<sup>18</sup>

## 2. Акс ҳолда фуқаросиз бўлиб қоладиган чегара ташқарисидаги давлат фуқароларидан туғилган болаларга фуқароликни тақдим этиш

1961 йилги конвенцияга мувофиқ Ахдлашаётган давлатларга фуқаролардан бирининг чегарадан ташқарида туғилган, акс ҳолда бу болалар фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қоладиган болаларга фуқароликни тақдим этиш мажбуриятини ўрнатади. Кўпгина давлатларда фуқароликни келиб чиқиш насл насаби тамойили бўйича беришни кўзда тутати (принцип *jus sanguinis* («кон хукуқи»принципи)). Бироқ баъзан ана шундай фуқароликни бериш муайян, кўпинча чегаралаш хусусиятига эга шартлар билан боғлиқ бўлиб, бу чегара ташқарисида туғилган болаларга ўз ота-оналарининг фуқаролигини мерос қилишларига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шу маънода **Бразилиянинг** фуқаролик тўғрисидаги қонуни ижобий ўзгаришларга мисол бўла олади. 1994 йилда Бразилия парламенти конституцияга киритган тузатишда Бразилия фуқароларининг чегара ташқарисида туғилган болалари, агар улар “Бразилия Федератив Республикасида яшаш учун келсалар ва Бразилия фуқаролигини танласалар”гина, бразилияликлар бўлишлари мумкинлиги кўзда тутилган.<sup>19</sup>

2007 йилда фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари ва сиёсатчилар узоқ вақт давомида иштирок этган кампаниядан кейин Бразилия парламенти ушбу қонунни янги қонун билан алмаштирди, унга кўра бразилиялик ота-онадан чет элда туғилган болалар Бразилия консуллик ваколатхонасида соддагина рўйхатдан ўтиш шarti билан Бразилия фуқаролигини олиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.<sup>20</sup> 2007 йилда конституцияга киритилган тузатишлар натижасида келажакда фуқаросизликни янги ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш таъминланди. Бундан ташқари махсус ўткинчи қоидаларга мувофиқ фуқаролиги бўлмаган барча шахсларнинг болалари Бразилия фуқаролигини олиш ҳукуқига эга бўлишди.<sup>21</sup>

## 3. Топилган болаларга фуқароликни тақдим этиш

1961 йилги конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ, иштирок этувчи давлатлар ота-оналарини ўрнатиш бўлмаган, ташлаб кетилган болаларга (топилганлар) ўз фуқаролигини тақдим этишлари керак. Тегишли давлатда ота-оналари билан ҳукуқий алоқага эга бўлмаганлар, масалан бола никоҳсиз туғилган бўлса ва отаси ёки онаси томонидан тан олинмаса, улар ҳам ана шу тоифага киритилади.

<sup>17</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, Фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қўлланма, 2014 йил 30 июнь, 59-модда, [www.refworld.org.ru/docid/55b9eeb340.html](http://www.refworld.org.ru/docid/55b9eeb340.html) манзилида.

<sup>18</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, фуқаросизлик масалалари бўйича 4-Тавсиялар, 53-54-бандлар.

<sup>19</sup> 1994 йилги 3-конституциявий тузатиш.

<sup>20</sup> 2007 йи 20 сентябрдалги 54/07-конституциявий тузатиш, 12-модда.

<sup>21</sup> 2007 йил 20 сентябрдаги 54/07конституциявий тузатиш, 12(с)-модда. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари (БМТ ҚОКБ), илғор тажриба мисоллари – 1-Харакат: фуқаросизликнинг кенг қўламли мавжуд вазиятини ҳал этиш, 2015 йил 23 февраль.

2006 йил мартдаги **Ироқнинг** Фуқаролик тўғрисидаги қонуни 2-модда мувофиқ яхши мисол бўлади: “Агар у Ироқда шахслари номаълум бўлган ота-онадан туғилган бўлса, Ироқ фуқароси ҳисобланади. Ироқда топилган бола бунинг тескариси исботи мавжуд бўлмаганида ана шу ҳудудда туғилган деб ҳисобланиши керак”.

2000 йилги **Кениянинг** конституциясида “топилганни” аниқлашга мувофиқ қуйидаги кўзга тутилади: “Кенияда топилган, камида 8 ёшли бўлган ёки 8 ёшдан кичик бўлган бола, агар фуқароликка мансублик ва ота-оналари номаълум бўлса, туғилиши билан фуқаро ҳисобланади.”<sup>22</sup>

1961 йилги конвенцияда бола топилган деб ҳисобланмайдиган ёш чегараланмайди, лекин давлатларга ушбу мақомни вояга етиш ёшигача тан олиш тавсия этилади. Энг камида топилганга нисбатан кафолат ота-оналарини ёки турар жойга тааллуқли аниқ маълумотларни бера олмайдиган барча кичик ёшдаги болаларга нисбатан қўлланиши керак.<sup>23</sup> Бу боланинг энг яхши манфаатлари принципига мос тушади. Шунинг таъкидлаш муҳими, 1961 йилги конвенциянинг 2-моддасига нисбатан топилган бола томонидан фуқароликнинг олиниши фақат тегишли бошқа давлат фуқаролигига эгалиги исботланган ҳолдагина йўқотилиши мумкин. Масалан: **Мисрнинг** фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ, 2004 йилги ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда мисрлик деб “Мисрда шахсни номаълум бўлган ота-оналардан туғилган ҳар қандай шахс ҳисобланади. Мисрда топилган бола агар бошқа нарса аниқланмаган бўлса, Мисрда туғилган деб ҳисобланади.”<sup>24</sup> Шунга қарамасдан давлатлар болалар топилганда фуқаролигини сақлаб қолишлари тўғрисидаги қоидаларни ўрнатишлари мумкин. Масалан, **Босния ва Герцеговина** ҳудудда туғилган ёки топилган бола агар “ҳар икки ота-она номаълум бўлса, уларнинг фуқароликка мансублиги номаълум бўлса, улар фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади ёки бола фуқаролиги йўқ шахс ҳисобланадиган бўлса, ушбу мамлакатнинг фуқаролигини олади.”<sup>25</sup>

## Танишиш учун асосий манбалар

- ➔ Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция
- ➔ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция
- ➔ БМТ ҚОКБ, илғор тажриба мисоллари, 1-Ҳаракат: фуқаросизлик кенг кўламли мавжуд вазиятларни ҳал этиш, 2015 йил 23 февраль
- ➔ БМТ ҚОКБ, илғор тажриба мисоллари, 2-Ҳаракат: бирорта бола фуқаросиз бўлиб туғилмаслигини таъминлаш, 2017 йил 20 март
- ➔ БМТ ҚОКБ, фуқаросизлик масалалари бўйича 4-Тавсиялар: ҳар бир боланинг 1961 йилги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция 1-4-моддаларига мувофиқ фуқароликни олишни таъминлаш.

<sup>22</sup> 2010 йилги конституция, (14)4-модда.

<sup>23</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, фуқаросизлик масалалари бўйича 4-Тавсиялар, 57-58-бандлар.

<sup>24</sup> Миср фуқаролигига тааллуқли 1975 йилги 20-қонунга айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 154-қонун, 2(2)-модда.

<sup>25</sup> Босни ва Герцеговинадаги Фуқаролик тўғрисидаги қонун, Official Gazette № 4/97, 13/99, 41/02, 6/03га бирлаштирилган.

# Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер тенглиги

## Кириш

Худди шу тарзда фуқаролик тўғрисидаги гендер тенгсизлиги катталар ўртасида ва болалар ўртасида фуқаросизликка олиб келиши мумкин. Бундай қонунлар давлатларнинг аёллар ва эркакларга тенг муносабатда бўлишни кўзда тутадиган халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ бўлмайди.<sup>26</sup>

*Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция* (АКББК) иштирокчилари бўлган давлатларга болалар ва эр-хотинларга фуқароликни беришга нисбатан тенг ҳуқуқларига тааллуқли аниқ мажбуриятлар мавжуд. Ана шу конвенция 9(1)-моддасига мувофиқ иштирокчи давлатлар “аёлларга фуқароликни олишни ўзгартириш ёки сақлашга нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқларни тақдим этишлари” шарт. Жумладан, “улар чет эллик билан никоҳга кириш, эрининг никоҳ пайтида фуқаролигини ўзгартириши хотиннинг автомат тарзда фуқаролигини ўзгартиришга олиб келмайди, уни фуқаролиги йўқ шахс қилмайди ва уни эрининг фуқаролигини олишга мажбурлай олмайди”.

Конвенциянинг 9(2)-моддасига мувофиқ “Иштирок этувчи давлатлар аёлларга ўз фарзандларига фуқаролигига бўйича эркаклар билан тенг ҳуқуқни тақдим этади”. Аёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш кўмитаси таъкидлаганидек “Фуқаролик тўғрисидаги қонунларга мувофиқ фуқаролик фақат ота бўйича тақдим этилиши 9(2)-моддани бузади ва болалар фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қолишларига олиб келиши мумкин”. Ота фуқаролиги йўқ шахс, номаълум, болаларнинг онасига уйланмаган, ўз фуқаролигини бериш учун маъмурий талабларни бажаришни хохламайдиган ёки бошқа сабабларга кўра болаларга ўз фуқаролигини бера олмаслигига олиб келиши мумкин.<sup>27</sup> Фуқаросизлик хавфини камайтириш ва камситишга йўл қўймаслик халқаро нормаларини бажариш учун давлатлар онанинг ота билан тенг равишда болаларга фуқароликни бериш ҳуқуқини тан олишлари керак.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (БҲҚ) қоидаларига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар *боланинг энг яхши манфаатларига* мувофиқ болага нисбатан чоралар кўришлари керак.<sup>28</sup> Фуқароликни олишга келганда боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш учун давлатлар уларнинг оналари ва оталарига тенг асосда,

<sup>26</sup> Камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги мажбурият, императив норма (jus cogens) *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациянинг* 7-моддасида, шунингдек *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг* 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Пактнинг 3-умумий моддаси ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда эркаклар ва аёлларнинг барча ҳуқуқлардан фойдаланишида тенглик кўзда тутилган.

<sup>27</sup> БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича кўмитаси аёлларнинг қочоқ, бошпана, фуқаролик ва фуқаросизлик, гендер жиҳатлари бўйича 32-умумий тавсия, 2014 йил 5 ноябрь, CEDAW/C/GC/32, 61-банд: [www.refworld.org/docid/54620fb54.html](http://www.refworld.org/docid/54620fb54.html) манзилида.

<sup>28</sup> БҲҚ 3(1)-моддасида шундай дейилган: “Иштирокчи-давлатлар болалар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган органлар, муассасалар ва хизматлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган меъёрларга, хусусан, хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида ва улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек, ваколатли назорат олиб бориши нуктаи назаридан белгиланган меъёрларга жавоб беришларини таъминлайдилар.”

ота-оналарнинг ҳуқуқий мақоми ёки оилавий аҳволдан қатъий назар ўз фуқаролигини болаларга беришга ружсат беришлари керак.

Гендер тенглиги принципини интеграциялаш мақсадидаги ислохотларни кўпинча фуқаролик тўғрисидаги қонун қоидаларига нисбатан кичик ўзгартиришлар киритиш орқали ўтказиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам тобора кўпроқ давлатлар ушбу масалада конструктив чоралар кўришга тайёрликлари ва қатъиятларини намоён этмоқда. БМТ ҚОКБнинг Глобал ҳаракат режаси йўлга қўйилгандан кейин бир неча давлатлар фуқароликни тақдим этиш ва беришда гендер камситишга барҳам беришга йўналтирилган ислохотларни ўтказди.<sup>29</sup>

## Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари

Ушбу бўлимда фуқаролик масалаларида гендер тенгликни таъминлашга нисбатан ҳуқуқий қоидалар мисоллари келтирилади.

### 1. Ота-оналар томонидан фуқароликни бериш

Дёлларга нисбатан камситишни бартараф этиш конвенцияси 9(2)-моддасида Аҳдлашаётган давлатларнинг ота-оналари томонидан болаларга фуқароликни беришга тааллуқли гендер камситишни кўзда тутадиган қоидаларни бекор қилиш мажбуриятини ўрнатади. Ана шундай мажбурият БҲК 3-моддасида кўзда тутилган *боланинг энг яхши манфаатларини* таъминлаш принципи билан мустаҳкамланади.

Кейинги пайтларда бир неча давлат ана шу халқаро стандартларга мувофиқ ўзларининг фуқаролик тўғрисидаги қонунларини ислоҳ қилдилар. Масалан, **Мадагаскар, Сенегал, Марокаш ва Мисрда** олдин фуқароликни бериш агар ота фуқаролиги йўқ шахс бўлмаса, номаълум бўлса ёки бошқа сабабларга кўра боланинг отаси эканлиги ўрнида қолмаган бўлса, фақат ота томонидан амалга ошириларди. Ушбу мамлакатларда ўтказилган ислохотлардан кейин оналар ва оталардан ўз фуқароликларини тенг равишда болаларга беришлари мумкин. Сенегал қонунида 2010 йилдаги ўзгаришлар билан қуйидаги айтилади: “Сенегалнинг бевосита авлодидан туғилган ҳар қандай бола сенегал ҳисобланади.”<sup>30</sup> Мадагаскарнинг 2017 йилда ўзгартирилган тегишли қонунида бироз бошқачароқ таҳрир келтирилади: (норасмий таржима: “мадагар ота ва/ёки мадагар онадан туғилган бола мадагар ҳисобланади”).<sup>31</sup> Бундай янги қоидалар фақат гендер камситишни бартараф этибгина қолмасдан тегишли қонунга аниқлик ва соддалик киритади.

<sup>29</sup> Айрим мамлакатларда фуқаролик тўғрисидаги қонунларга киритилган яқиндаги ўзгаришлар шарҳи билан танишиш учун қаранг: БМТ ҚОКБ, Гендер тенглиги, фуқаролик ва фуқаросизлик тўғрисидаги масалалар бўйича 2018 йилги маълумотнома: [www.refworld.org/docid/5aa10fd94.html](http://www.refworld.org/docid/5aa10fd94.html) манзилида. 2018 йил 8 март. БМТ ҚОКБ 3-Ҳаракатида баён этилган фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер камситиш унсурларини барҳам этишга нисбатан қаранг: БМТ ҚОКБ, илгор амалиёт мисоллари – 3-Ҳаракат: фуқаролик қонунларидаги гендер камситиш унсурларини истисно этиш, 2015 йил 6 март, [www.refworld.org/docid/54f8377d4.html](http://www.refworld.org/docid/54f8377d4.html) манзилдид.

<sup>30</sup> Loi n° 2013-05 dated 8 July 2013 portant modification de la loi n° 61-10 du 7 mars 1961 déterminant la nationalité, 2013 йил 8 июль, 5-модда: [www.refworld.org/docid/51ed5ef14.html](http://www.refworld.org/docid/51ed5ef14.html) манзилида.

<sup>31</sup> Loi n°2 016-038 modifiant et complétant certaines dispositions de l'Ordonnance n° 60-064 du 22 juillet 1960 portant Code de la nationalité malagasy, 2017 йил 25 январь (2017 йил 8 майдан кучда), 9-модда: <https://bit.ly/3Gkvl9R> манзилида.

Айрим давлатларда болаларга фуқароликни бериш тўғрисидаги гендер бетараф қонунларига ўтиш ташқарида туғилган ёки никоҳсиз туғилган болалар фуқароликни олиш учун бажариши керак бўлган чегаралашлар ва кўпинча чалқаш талабларни бартараф этиш билан бирга бўлди. Мисол тариқасида Сьерра-Леонани келтириш мумкин. 1973 йилги Фуқаролик тўғрисидаги қонуннинг аввалги таҳририга мувофиқ бу мамлакат аёллари чегара ташқарисидида туғилган болаларга фақат бола бошқа давлат фуқаролигини олмаган бўлсагина аёллари ўз фуқаролигини бериши мумкин эди.<sup>32</sup> 2017 йилги Фуқаролик тўғрисидаги янги актга мувофиқ аёллар ва эркеклар чегара ташқарисидида ёки мамлакат худудида туғилган болаларга ўз фуқаролигини беришдан тенг ҳуқуққа эгалар. Унда қуйидаги таъкидланади: “Сьерра-Леона ташқарисидида 1971 йил 19 апрелида ёки ундан кейинроқ отаси ёки онасидан туғилган, 2,3- ва 4-моддалар кучига кўра Сьерра-Леона фуқаролари бўлган ёки бўладиганлар туғилиш ҳуқуқи бўйича Сьерра-Леона фуқаролари ҳисобланади.”<sup>33</sup>

Худди шу тарзда Кенияда 2011 йилги фуқаролик ва иммиграция бўйича қонун ўзгартирилиб, унда 2010 йилги конституция қоидалари ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги ўрнатилди: “Кения ташқарисидида туғилган шахс агар ушбу шахс туғилган санада унинг онаси ёки отаси фуқаро бўлса ёки туғилиши бўйича фуқаро ҳисобланса туғилиши бўйича фуқаро ҳисобланади.”<sup>34</sup> Ушбу қоида конституциянинг аввалги 90-моддасини ўзгартирди, унда қуйидаги кўрсатилганди: “1963 йил 11 декабрдан кейин Кения ташқарисидида туғилган шахс агар ана шу санага унинг отаси Кения фуқароси бўлса, туғилиши бўйича Кения фуқароси бўлади.”<sup>35</sup>

**Даниядаги** ислохотлар жараёнида отанинг никоҳсиз ва чегара ташқарисидида туғилган боласига ўзининг фуқаролигини бериш имкониятида тенгликка эришилди. 2014 йил июлидан бошлаб даниялик ота-оналарнинг барча болалари туғилиши билан автомат тарзда Дания фуқаролигини олади.<sup>36</sup> Худди шу тарзда **Мадагаскарда** 2014 йилда қабул қилинган тегишли қоида<sup>37</sup> Мадагаскарнинг 1960 йилги Фуқаролик тўғрисидаги кодекси нормасини ўзгартирди,<sup>38</sup> унга кўра чет эллик она ва мадагаскарлик отадан никоҳсиз туғилган болалар туғилиши бўйича фуқароликни автомат тарзда олиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.<sup>39</sup>

<sup>32</sup> Сьерра-Леоннинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни, 1973 йил 24 май: [www.refworld.org/docid/3ae6b50610.html](http://www.refworld.org/docid/3ae6b50610.html) Сьерра-Леона фуқаролиги бўйича ўзгаришлар билан, 2006 йил, N°11 006 , 2006 йил 26 октябрь (II қисм, 5 ва 6-моддалар): [www.refworld.org/docid/481596b42.html](http://www.refworld.org/docid/481596b42.html) манзилида.

<sup>33</sup> 2017 йилги Сьерра-Леонанинг Фуқаролик тўғрисидаги қонунига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси : <https://bit.ly/3vOLMXh> манзилида.

<sup>34</sup> Кения Конституцияси, 2010 йил 27 август: [www.refworld.org/docid/4c8508822.html](http://www.refworld.org/docid/4c8508822.html) манзилида.

<sup>35</sup> К Кения Конституцияси (Қайта кўриб чиқилган таҳрир (2001 йил)(1998 год)), 2001 йил: [www.refworld.org/docid/47162cfc2.html](http://www.refworld.org/docid/47162cfc2.html) манзилида.

<sup>36</sup> Automatisk erhvervelse af dansk statsborgerskab: <http://uim.dk/arbejdsomrader> statsborgerskab/danske-statsborgere-1/automatisk-erhvervelse-af-dansk-statsborgerskab манзилида.

<sup>37</sup> Loi n° 2016-038, юқоридаги 9-модда.

<sup>38</sup> Ordonnance n° 60 -064 du 22 juillet 1960 portant Code de la nationalité malgache ( J.O. n° 111 du 23.07.60 p. 1305), modifiée par la loi n° 61-052 du 13 décembre 1961 ( J.O. n° 201 du 23.12.61, p. 2260 ), la loi n° 62-005 du 6 juin 1962 J.O. n° 228 du 16.06.62, p. 1075 ), l'ordonnance n° 73-049 du 27 août 1973 ( J.O. n° 934 E.S. du 27.08.73, p. 2713 ) et par la loi n° 95-021 du 18 septembre 1995 (J.O. n° 2341 du 01.01.96, p. 3, 13). [Мадагаскар], 1996 йил 1 январь, 10-модда: [www.refworld.org/docid/4f5473682.html](http://www.refworld.org/docid/4f5473682.html).

<sup>39</sup> БМТ ҚОКБ, Гендер тенглиги, фуқаролик ва фуқаросизлик тўғрисидаги масалалар бўйича тушунтириш хати, 2014 йил, юқорида.



## 2. Эр-хотинлар томонидан фуқароликни бериш

1961 йилги конвенциянинг 5-моддасига мувофиқ агар шахс бошқа фуқароликка эга бўлмаса ёки бошқа фуқароликни олмаётган бўлса, шахснинг мақомида қандайдир ўзгаришлар оқибатида фуқаролиги йўқотилиши ман этилади. 5-модда мақсадларида шахсий мақомдаги ўзгаришларга никоҳ тузиш ёки уни бекор қилиш каби воқеалар тааллуқдир. 5(1)-моддани конвенциянинг 9(1)-моддасидаги аёлларни камситишга барҳам бериш тўлдирди. Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича кўмита (АКБК) нуктаи назарига мувофиқ ушбу конвенция 9(1)-моддаси Аҳдлашаётган давлатлар никоҳ тузилгандан кейин фуқаросизликка дучор қилиши мумкин бўлган қоидаларни қабул қилишдан тийилиб турилишлари талаб қилинади. Давлатларда аёлнинг фуқаролиги эрининг фуқаролиги билан боғлиқлиги бўйича қонунлар амал қиладиган ҳолатлар кўп. Айрим давлатларда аёл чет эллик билан никоҳ тузган захоти автомат тарзда фуқаролигини йўқотади, бунда у ўз эрининг фуқаролигини олиши кўзда тутилади. 1961 йилги конвенция 5-моддасига мувофиқ кафолатлар кўзда тутилмаган мамлакатларда аёлларга фуқаросизлик хавф туғдиради. Чунки кўпгина мамлакатларда фуқароларнинг эр-хотинларига фуқаролик автомат тарзда тақдим этилмайди.<sup>40</sup> Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича кўмита нуктаи назарига кўра 9(1)-моддага мувофиқ Аҳдлашаётган давлатлар никоҳ тузилганидан сўнг аёллар фуқаросизлик хавфига дучор бўладиган қоидаларни қабул қилишдан тийилиб туриш талаб қилинади. Давлатларда аёлларнинг фуқаролиги унинг эри фуқаролиги билан боғлиқ қонунлар амал қиладиган ҳолатлар учрайди. Айрим давлатларда аёллар чет эллик билан никоҳга кирган захоти фуқаролигини автомат йўқотади. Бунда у дарҳол у ўз эри фуқаролигини олиши кўзда тутилади. 1951 йилги конвенция 5-моддасига мувофиқ кафолатлар кўзда тутилмаган мамлакатларда аёлларга фуқаросизлик хавфи туғилади чунки кўпгина мамлакатларда эр хотинга автомат тарзда фуқаролик тақдим этилмайди.<sup>41</sup>

Аёлларнинг фуқаролиги эрининг фуқаролигига боғлиқ бўлиши кўзда тутилган қонунлар қўшимча равишда аёлни фуқаросизлик хавфига дучор қилади. Масалан, аёлнинг эри ўз фуқаролигини йўқотганида, фуқаролигини ўзгартирганида ёки фуқаролиги йўқ шахс бўлганида ёхуд никоҳ бузилганида ёки эр-хотин алоҳида яшаганида бундай аёллар шунингдек тегишли кафолатлар мавжуд бўлмаганида фуқаролигини йўқотиши мумкин.<sup>42</sup>

Халқаро нормада камситишга йўл қўймастик ўз ифодасини топган ва фуқаросизликнинг олдини олишга хизмат қиладиган фуқаролик тўғрисидаги намунавий қонунлар учун қуйидаги умумий хусусиятлар хос:

1. Ушбу қонунларнинг қоидалари ҳеч қандай камситилмасдан аёллар ва эркакларга тенг даражада қўлланилади; масалан, бундай қоидалар аёлларга ўз фуқаролигини эркаклар билан тенг равишда турмуш ўртоғига бериш имконини беради.<sup>43</sup>
2. Улар эр-хотиннинг ҳар бирига эр ёки хотин шахсий мақомининг қандайдир бир ўзгариши ёки фуқароликка мансублиги таъсир қилишини танлаш имконини беради, бу масалан оила аҳволи ўзгариши натижасида фуқароликни автомат тарзда йўқотилишдан фарқланади.<sup>44</sup>

<sup>40</sup> БМТ ҚОКБ, экспертларнинг кенгаши – 1961 йилги конвенцияни талқин этиш ва фуқароликни йўқотиш ҳамда фуқароликдан маҳрум этиш оқибатида фуқаросизликнинг олдини олиш (Тунис хулосалари), 2014 йил март, 33-34-банд; адреси: [www.refworld.org/docid/533a754b4.html](http://www.refworld.org/docid/533a754b4.html) манзилида.

<sup>41</sup> АКБК, 32-Умумий тавсия, юқоридаги 54-банд.

<sup>42</sup> Ўша жойда, 60-банд.

<sup>43</sup> Ўша жойда, 54, 62-баедлар.

<sup>44</sup> Ўша жойда, 63-банд.

3. Ушбу қоидаларга мувофиқ шахсий мақомда ўзгаришлар оқибаотида фуқароликни ҳар қандай йўқотилиши бошқа давлат фуқаролигига эга ёки бошқа давлатнинг фуқаролигини олганлиги билан боғлиқдир.
4. Уларда ҳам аёлларга ҳам эркакларга нисбатан тенг равишда қўлланилиши мумкин бўлган натураллаштириш талаблари ўрнатилади.<sup>45</sup>

2005 йилда **Жазоирда** ўтказилган фуқаролик тўғрисидаги қонунчилик ижобий ўзгаришлар мисолларини намойиш этади. Мамлакат президенти аёллар томонидан узоқ вақт давомида ўтказилаётган кампанияга жавобан кейинчалик парламент томонидан тасдиқланган фармон чиқарди, унга мувофиқ аёлларга чет эллик эрларига Жазоир фуқаролигини беришга рухсат берилди. Жазоирнинг янги гендер – бетараф Фуқаролик тўғрисидаги кодекси қондаси қуйидаги тарзда белгиланган: (норасмий таржима: “Жазоир фуқаролиги жазоирлик эр ва хотин билан қуйидаги шартларни бажарган ҳолда никоҳ орқали олиниши мумкин...”<sup>46</sup>

Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер тенглиги йўналишидаги яна бир ўзгариш мисоли **Сенегалда** содир бўлди. 2013 йил июнида Сенегал парламенти илгари камситувчи қонунчиликка, Сенегал аёлларининг эркаклар билан тенг равишда ҳуқуққа эга бўлиш мақсадида ўз фуқаролигини чет эллик эр-хотинга бериш бўйича ўзгартиришлар киритди. Фуқаролик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддасида қуйидаги кўзда тутилади: (норасмий таржима: “Сенегаллик аёл ёки эркак билан никоҳ тузган чет эллик шахс мурожаат орқали Сенегал фуқаролигини никоҳ байрам қилинган ёки тан олинган кундан бошлаб турмуш қуришидан кейин 5 йил давомида олади...”<sup>47</sup>).

**Кенияда** ана шундай мамлакат фуқаролиги тўғрисидаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш жараёнида унинг қоидалари халқаро стандартларга мувофиқлик ҳолатига келтирилди. 1969 йилги конституцияга мувофиқ фақат эркак кенияликлар ўз фуқаролигини фуқаро бўлмаган хотинига бериши мумкин эди. Ўша пайтдан бери унинг 2010 йилги конституциясида Кения фуқаролари бўлган аёллар ва эркаклар натураллаштирилиши учун уларга тенг талаблар ўрнатилди. Янги қонунчиликка мувофиқ “Мамлакат фуқароси билан камида 7 йил давомида никоҳда бўлган шахс фуқаро сифатида рўйхатга олиниш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.”<sup>48</sup>

Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда бетараф гендер қоидаларига ўтиш ижобий ўзгаришлардир. Барча давлатларга ўз қонунчиликларини АКБКнинг 9(1) - ва 9(2)- моддаларига мувофиқ келтириш тавсия этилади. Бироқ гендер тенглиги никоҳ муносабати билан фуқаросизликка нисбатан тўла кафолатни таъминламайди. Жумладан, давлатларга ҳар икки жинс вакилларига нисбатан қўлланиладиган ва илжи борича оғирлик қилмайдиган никоҳдан кейин натураллаштириш жараёнини ўрнатиш тавсия этилади. Жумладан, оила мақоми ўзгариши оқибаотида натураллаштирилган эр-хотин фуқароликни йўқотишдан ҳимоя қиладиган қоидаларга мувофиқ фуқароликка нисбатан янада самаралироқ ҳимоя тақдим этилади.

<sup>45</sup> Ўша жойда, 62-банд.

<sup>46</sup> Algérie: Ordonnance n° 70-86 du 15 décembre 1970 portant code de la nationalité algérienne modifiée et complétée par Ordonnance n° 05-01 du 27 février 2005: [https://droit.mjustice.dz/code\\_nation\\_alger.pdf](https://droit.mjustice.dz/code_nation_alger.pdf) манзилида.

<sup>47</sup> Loi 2013-05 dated 8 July 2013 portant modification de la loi n° 61-10 du 7 mars 1961 déterminant la nationalité, [www.refworld.org/docid/51ed5ef14.html](http://www.refworld.org/docid/51ed5ef14.html). 2013 йил 8 июль, манзилида.

<sup>48</sup> Кения Конституцияси, 2010 йил 27 август: 15(1)-модда, [www.refworld.org/docid/4c8508822.html](http://www.refworld.org/docid/4c8508822.html).

## Танишиш учун асосий манбалар

- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (АКБК), 9-модда
- Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция
- БМТнинг аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмита, қочоқ мақомининг бошпана, фуқаролик ва аёл фуқаролиги ва фуқаросизлиги мақоми гендер жиҳатлари бўйича 32-Тавсия, 2014 йил 5 ноябрь.
- БМТ ҚОКБ, Илғор тажриба мисоллари 3-Ҳаракат: фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер камситиш унсурларини истисно этиш, 2015 йил 6 март.
- БМТ ҚОКБ, 2018 йил учун гендер тенглиги, Фуқаролик ва фуқаросизлик тўғрисидаги масаллар бўйича тушунтириш хати, 2018 йил 8 март.

# Фуқаролиги йўқ шахслар мақомини аниқлаш ва соддалаштирилган натураллаштириш тартиблари

## Кириш

### Фуқаролиги йўқ шахслар мақомини аниқлаш тартибини жорий этиш

1954 йилги Фуқаролиги йўқ шахслар мақоми тўғрисидаги “1954 йилги конвенция” иштирок этувчи давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида фуқаролиги йўқ шахсларга муайян стандартларни таъминлашлари талаб қилинади. Масалан, 16-моддада фуқаролиги йўқ шахсларнинг “Аҳдлашаётган давлатлар ҳудудларида судларга эркин мурожаат қилиш”, 25-моддасида эса фуқаролиги йўқ шахсларга улар томонидан “одатда чет эл ҳокимият органлари ёки ўзлари фуқароси бўлган давлат ҳокимияти органлари ёрдамида одатда бериладиган ҳужжатлар ёки гувоҳномалар” олишда маъмурий ёрдамдан фойдаланиш кафолатланади.

Ушбу мажбуриятларни бажариш учун давлатларда фуқаролиги йўқ шахсларни аниқлаш имконияти бўлиши керак. Тегишли равишда кўпгина давлатлар 1954 йилги конвенция 1(1)-моддасида баён этилган “фуқаролиги йўқ шахс”ни<sup>49</sup> аниқлаш учун мувофиқ бўлган фуқаролиги йўқ шахслар мақомини белгилаш (ОСЛБ) тартибини жорий этдилар. Шунингдек, ана шундай шахсларга тегишли ҳуқуқлар ва ҳимояни тақдим этиш тартибини жорий этдилар. Ана шундай тартибларнинг жорий этилиши энг самарали ва ишонарли восита бўлиб, уларнинг ёрдамидан иштирок этувчи давлатлар ушбу конвенция қоидаларини бажаришни таъминлашлари мумкин.

БМТ ҚОКБнинг Фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланмасида ОСЛБ тартибини ишлаб чиқишга нисбатан давлатлар учун батафсил тавсиялар кўзда тутилган. Буни ОСЛБнинг мавжуд тартиблари илғор амалиёти мисоллари, шунингдек қочоқлар мақомини аниқлашнинг шундай тартиблари асосида амалга ошириш мумкин.<sup>50</sup>

Биринчидан, ОСЛБ тартиблари аҳолининг тегишли гуруҳлари томонидан фойдалана олишлари мумкин бўлиши керак. Маъмурий тизимлар ва тузилмалардаги тафовутларни ҳисобга олган ҳолда ОСЛБ фаолиятида номарказлаштиришнинг айрим даражаси давлатнинг барча ҳудудларида, шу жумладан олисдаги жойлардаги фуқаролиги йўқ шахсларни аниқлаш учун кафолатга эга ҳокимият органлари мавжудлигини таъминлаш учун зарурдир. Худди шу тарзда фуқаролиги йўқ шахс мақомини аниқлаш тартибини ўрнатиш тўғрисида қандай мурожаат қилиш маълумоти кенг ёйилган бўлиши зарур, маслаҳат хизматлари эса имконияти борича мурожаатчиларга ўзлари тушунадиган тилда тақдим этилиши зарур. Бундан ташқари ана шундай тартиблардан фойдаланишга қандайдир

<sup>49</sup> 1(1)-моддадаги “фуқаролиги йўқ шахс”ни белгилашда куйидагилар ўрнатилган: “одатдаги халқаро ҳуқуқ нормаси томонидан тан олинган, қонун кучи бўйич қайсидир давлат фуқароси сифатида кўриб чиқиладиган шахс”.

<sup>50</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ Фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма, юқорида ва БМТ ҚОКБ Илғор тажриба мисоллари, 6-Харакат: фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш мақсадларида фуқаролиги йўқ шахсларнинг мақомини белгилаш тартибига кириш, 2016 йил 11 июль.

амалий ёки ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиши ёки камайтириш лозим. Масалан, муурожаат бериш учун қатъий белгилашдан ва қонуний асослар яшаётганлиги далили каби ҳуқуқий мақомга траллуқли талаблардан қочиш лозим. **Франция ва Мексика** ОСЛБ тартибини жорий этган давлатлар қаторига киради, уларга мувофиқ ана шундай тартиблардан фойдаланиш учун ҳеч қандай шартлар ўрнатилмайди.<sup>51</sup>

Иккинчидан, БМТ ҚОКБ қўлланмасида фуқаролиги мавжуд эмаслигини исботлаш мажбурияти муурожаатчи зиммасига юкланмаслиги, балки биргаликда кўриб чиқилиши керак. Шахсинг чет эл фуқаролигига масаласини аниқлашда давлатнинг буни кўриб чиқадиған органлари ҳамкорлик асосида мусобақалашишсиз ёндашишни қўллашлари керак.<sup>52</sup> Ҳар қандай вазиятларда давлатлар агар шахс тегишли давлат томонидан таъқиб қилинишига нисбатан асосланган хавфсирашни билдирса, чет эл давлати ҳокимияти органлари ана шундай сўровлардан тийилиб турилишлари керак. Умуман исботлаш стандартлари фуқаролиги йўқ шахс мақомини аниқлаш инсонпарварлик мақсадларига мувофиқ бўлиши, шунингдек хужжатли исботлар мавжуд эмаслиги эҳтимолида фуқаросизликни исботлаш муносабати билан муқаррар пайдо бўладиган қийинчиликларни ҳисобга олиш керак.

Учинчидан, ОСЛБ тартиблари тегишли жараённинг асосий кафолатларини, шу жумладан ҳуқуқий ёрдам ва таржимон ёрдами тақдим этиш билан шахсан суҳбат ўтказиш имконияти; ёзма шаклда қабул қилинишига асослар тушунтирилган қарорни ўз вақтида олиш ҳуқуқи; шунингдек чиқариб юбориш таҳдидсиз муурожаат рад этилган биринчи инстанция қарорига шикоят қилиш ҳуқуқини қамаб олиши керак.<sup>53</sup>

Бундан ташқари тартибда ночорликнинг муайян шартлари ва омиллари, шу жумладан болалар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларга махсус кафолатлар, шунингдек муурожаатни устувор тарзда кўриб чиқиш, ҳуқуқий ёрдамни зарур тарзда тайёрланган мутахассис томонидан тақдим этиш, давлат томонидан исботлаш юқининг катта қисмини ўз зиммасига олишни қамаб олиниши керак.<sup>54</sup>

## Соддалаштирилган натураллаштириш

1954 йилги конвенцияга мувофиқ иштирок этувчи давлатларнинг мажбуриятларидан бири “фуқаролиги йўқ шахсларни ассимиляцияси ва натураллаштиришга кўмаклашишдан иборатдир” (32-модда). Шахс ёки шахслар гуруҳи фуқаролиги йўқ шахслар деб тан олинганидан кейин Аҳдлашаётган давлатлар ушбу шахслар мазкур давлат фуқаролари бўлиши учун тўсиқларни пасайтиришлари, жумладан “натураллаштириш тартибини тезлаштириш ва улар билан боғлиқ харажатлар ва йиғимларни камайтириш имкониятини таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатлар қилишлари керак”.<sup>55</sup>

Европа фуқаролиги тўғрисидаги конвенцияда ушбу қоида такрорланади ва “ҳар бир иштирок этувчи давлат ўзининг ички қонунчилигини фуқаролиги йўқ шахслар ва одатда унинг

<sup>51</sup> Франциядаги тартиб куйидаги мақолада баён этилган: L812 Code de l'entrée et du séjour des étrangers et du droit d'asile, доступ по адресу: <https://bit.ly/2ZJeAuO>. Мексикада ОСЛБ расмий тартиби Миграция тўғрисидаги қонунга (2011 йил) ва у билан боғлиқ қарор билан жорий этилган (2012 год): [www.refworld.org/docid/578336cf4.html](http://www.refworld.org/docid/578336cf4.html), 13-бет манзилида.

<sup>52</sup> Қаранг: БМТ ҚОКБ, фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича қўлланма, 88-90-бандлар.

<sup>53</sup> Ўша жойда 91-93 бандлар.

<sup>54</sup> Ўша жойда, 119-банд.

<sup>55</sup> 1954 йилги конвенция 32-модда.

худудидан яшаётган, қочоқлар деб тан олинадиган шахсларнинг фуқароликни олишларини соддалаштиришлари керак” (6(4)-модда). Худди шу тарзда Глобал ҳаракат режаси 6-Ҳаракатига мувофиқ давлатларга фуқаролиги йўқ мигрантларга химоя мақомини тақдим этишга даъват этилади (ОСЛБ тартибини жорий этиш, шунингдек уларни *натураллаштиришни соддалаштириш орқали*).<sup>56</sup>

## Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари

Натураллаштиришни соддалаштириш фуқароликни олиш учун ҳуқуқий ва амалий тўсиқларни бартараф этиш ёки камайитиришни назарда тутати. Ҳар бир давлат натураллаштириш учун миллий қонунчиликка мувофиқ шартлар ўрнатиш ҳуқуқига эга, бунда ана шундай шартлар оддий халқаро ҳуқуққа (масалан, камситишга йўл қўймасликка) мувофиқ бўлиши керак. 1954 йилги конвенцияга мувофиқ давлатларга ана шундай шартлар сонини камайитириш ёки фуқаролиги йўқ шахслар деб тан олиниши тавсия этилади.

Масалан, агар қайсидир бир давлатда одатда натураллаштириш тўғрисида мурожаат қилаётган шахслар унинг худудида муайян вақт давомида яшаб келган, қонуний асосда яшаётганликларининг исботини тақдим этган ёки давлат тилига эгалигини намойиш этган бўлса, 1954 йилги конвенцияга мувофиқ муваффақиятли амалиёт фуқаролиги йўқ шахслар деб тан олганлар ва улар қариндошларига енгиллаштирилган стандартларни жорий этиш ҳисобланади.

Қатор давлатларда бундан кейин ана шундай қоидалар миллий кодексларга киритилган бир нечта ижобий мисоллар келтирилади.

### 1. Фуқаролиги йўқ шахслар яшаши учун рухсат олишда талаблар сонини камайитириш имконини берадиган қонунлар

**Греция** фуқаролиги йўқ шахслар натураллаштириш ҳуқуқига эга бўлишлари учун зарур бўлган яшаш муддатини қисқартираётган давлатлар қаторига қўшилди. Фуқаролик тўғрисидаги кодекснинг (3838/2010-қонун) 5-моддасида “натураллаштириш орқали Греция фуқароси бўлишни хошлаётган чет эл давлатининг фуқароси натураллаштириш тўғрисида мурожаат бергунга қадар Грецияда қонуний асосда 7 йил давомида узлуксиз яшаб келиши керак.”<sup>57</sup> Аммо унинг 1(д)-моддасида шунингдек, қочоқлар ва фуқаролиги йўқ шахслар деб тан олинган одамлар Грецияда қонуний асосда кетма-кет уч йил яшаши керак.

**Бразилияда** фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳам шу тарзда ўзгартирилди – фуқаролиги йўқ шахслар ҳолатида<sup>58</sup> одатдаги яшаш муддати тўғрисидаги<sup>59</sup> талаб икки маротабага қисқартирилди (тўрт йилдан икки йилгача).

<sup>56</sup> 6-ҳаракатнинг батафсил тушунтириши ва давлат амалиётига оид мисоллар учун Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (UNHCR), Енг яхши амалиётлар – 6-ҳаракат: Фуқаролиги бўлмаган шахсларни химоя қилиш учун, фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш тартиб-қоидаларини ўрнатиш, 2016-йил 11-июль, [www.refworld.org/docid/57836cff4.html](http://www.refworld.org/docid/57836cff4.html) саҳифани қаранг.

<sup>57</sup> Қаранг: 3838/2010 қонунинг 5-моддаси, <https://bit.ly/2Zi7xmj> манзилида

<sup>58</sup> Қаранг: 2017 йил 20 ноябрдаги 199-фармон, 99-модда: <https://bit.ly/3maNe2U>.

<sup>59</sup> Қаранг: 2017 йил 20 ноябрдаги 91-99-фармонлар, 99-модда.

Бразилиянинг фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ қонуний яшаш талаб қилинмайди, бу фуқаролиги йўқ шахслар учун қийинчиликлар туғдиради, уларнинг кўпчилигида ҳуқуқий мақом ёки ҳужжатлар йўқ.

## 2. Тилни билишни тасдиқлаш ва яшаш учун маблағ манбалари мавжудлигини тасдиқлайдиган талабларни бартараф этадиган қонунлар

Айрим давлатларда аҳолининг натураллаштирилган гуруҳларини интеграциялаш ҳамда уларга муайян турмуш даражасини таъминлаш мақсадларида фуқароликни тақдим этиш тўғрисида муурожаат қилаётган шахслар давлат тилини билишларини ва/ёки мамлакат маданиятини билишларини кўрсатишлари, шунингдек, яшаш учун маблағлари борликларини исботлашлари керак. Бироқ фуқаролиги йўқ шахслар ҳолатида айрим давлатлар ана шундай талаблардан воз кечдилар ва бу тўғри қарордир.

Масалан, **Босния ва Герцеговинада** фуқаролиги йўқ шахслар натураллаштириш учун қатор шартларни бажаришдан, шу жумладан тилни билиш ва яшаш учун манбалари борлигини исботлашдан озод қилинганлар, Ушбу мамлакатнинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни 11(а) (1)-моддасида куйидагилар қайд қилинган: “фуқаролиги йўқ шахс ёки қочоқ деб тан олинган шахс Босния ва Герцеговинанинг фуқаролигини 9-моддаси (I) бандининг **2, 3, 6, 9** ва **10-моддаларида ўрнатилган талабларга амал қилмаган ҳолда** олишлари мумкин. Фақат бунда агар улар ана шу мамлакатда фуқаролиги йўқ шахс сифатида яшаётган бўлсалар ёки муурожаат қилгунга қадар 5 йил давомида қочоқ деб тан олинган бўлсалар (муаллифлар томонидан ажратиб кўрсатилган).”<sup>60</sup> Тегишли моддалар муурожаатчилар томонидан тилни билиш ва “унга тирикчилик ўтказишларини таъминлаш имконини берадиган доимий даромад манбаига ёки уларнинг маблағлари мавжудлиги ишонarli исботини тақдим этишлари кераклигига тааллуқлидир”.<sup>61</sup>

## 3. Фуқаролиги йўқ шахслар томонидан бошқа ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талаблар сонини камайтирадиган қонунлар

Фуқаросизлик жуда кўп ҳолатларда ҳужжатлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ эканлигини тан олган ҳолда айрим давлатлар фуқаролиги йўқ шахслардан ҳужжатларни талаб этишни тартибга соддалаштирдилар. Ушбу ҳолатда ҳам **Босния Герцеговинани** мисол бўла олади. 2014 йилда ушбу мамлакат ҳукумати натураллаштиришни соддалаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, фуқаролиги йўқ шахслар ўтмишда жиноят қилмаганликларини исботи учун бошқа мамлакатлардан ҳужжат олиш заруратидан озод этилдилар.<sup>62</sup> Худди шу тарзда **Грецияда** фуқаролиги йўқ шахслар туғилганлиги тўғрисида гувоҳномани тақдим этиш заруратидан (бошқа муурожаат қилувчилардан талаб қилинадигандан фарқли равишда) озод қилиниб, уларга “ҳар қандай бошқа расмий гувоҳнома” беришга рухсат берилди.<sup>63</sup>

<sup>60</sup> Босния ва Герцеговинанинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни 11-модда: адресу: <https://bit.ly/3Gm9Vth> манзилида.

<sup>61</sup> Ўша жойда, 9-модда.

<sup>62</sup> Босния ва Герцеговина: 2014 йилги Босния ва Герцеговинада натураллаштириш ёки соддалаштирилган натураллаштириш орқали фуқароликни олиш ҳуқуқи учун исботлар мавжудлигини кўзда тутадиганга нисбатан 2014 йилги қарор, 2014 йил 20 январь, 7-модда: [www.refworld.org/docid/531721a14.html](http://www.refworld.org/docid/531721a14.html) манзилида.

<sup>63</sup> Қаранг: юкоридаги 3838/2010-қонун 6(3)(д)-модда.

#### 4. Фуқаролиги йўқ шахслардан мурожаат йиғимларни бартараф этадиган бериш ёки ана шундай йиғимлар миқдорини камайтирадиган қонунлар

Худди шу тарзда қатор давлатларда фуқаролиги йўқ шахсларнинг натураллаштириш юзасидан мурожаатлари билан боғлиқ йиғимлар ва бошқа маъмурий ҳаражатлар бекор қилинди ёки камайтирилди. **Косовонинг** тегишли қонунчилигида 2013 йилда ўтказилган ислоҳот асосида 1954 йилги конвенциянинг қоидалари такрорланади ва ҳокимиятнинг ваколатли органлари “натураллаштириш тартибларини тезлаштириш ва улар билан боғлиқ ҳаражатлар ва йиғимларни иложи борича камайтириш учун барча савъ-ҳаракатларни қилиш”га даъват этадилар (14-модда).

Айрим давлатларда фуқаролиги йўқ шахслар учун йиғимлар бекор қилинмаган лекин жиддий равишда камайтирилган. Масалан, **Грецияда** биринчи марта мурожаат қилган аризачилар учун мурожаат бериш йиғимлари биринчи марта 700 евроли ташкил этади, фуқаролиги йўқ шахслар деб тан олинганлар ва қочоқлар учунгина эса бор йўғи 100 евродир.

#### 5. Болалар ва фуқаролиги йўқ бошқа қариндошларни натураллаштиришни соддалаштириш

1954 йилги конвенцияга мувофиқ бу талаб қилинмаса ҳам айрим давлатлар фуқаролиги йўқ шахслар болалари ва оиласининг бошқа аъзоларини натураллаштиришни соддалаштирмоқдалар. Бу билан улар оила биргаликда бўлиши ва болалар ўртасида фуқаросизликка нисбатан кафолатларни мустаҳкамлаш заруратини тан олмақдалар. Масалан, **Косовонинг** қарориди фуқаролиги йўқ шахсларнинг оила аъзолари фуқароликни олиш ҳуқуқига эгалик қилиши кўзда тутилади (15(2)-модда).

**Босния ва Герцеговинада** вақтинча яшашга рухсат берилган фуқаролиги йўқ шахсларнинг баалоғат ёшига етмаган болалари фақат шу мамлакат фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқигина эга бўлмасдан, шунингдек ҳатто натураллаштириш мақсадларида бундан имтиёзлироқ шартларга эга бўладилар.<sup>64</sup> Айрим давлатларда фуқаролиги йўқ шахсларни натураллаштиришни соддалаштириш учун дискреция ёндашуви қўлланилади. Ушбу давлатларда қоида бўйича Вазир сифатидаги ҳукуматнинг мансабдор шахси ҳатто барча расмий шартлар бажарилмаган бўлса ҳам натураллаштириш тўғрисидаги мурожаатни қондириш ёки қондиришдан воз кечиш тўғрисидаги узил-кесил қарор қабул қилишга нисбатан дискреция ваколатига эгадир. БМТ ҚОКБ фуқаролиги йўқ шахсларни натураллаштиришни соддалаштириш учун дискреция бўлмаган ёндашуви қўллашни энг мақбул услуб сифатида тавсия этади.

#### Танишиш учун асосий манбалар

- Фуқаролиги йўқ шахслар мақоми тўғрисида конвенция
- БМТ ҚОКБ, Фуқаролиги йўқ шахсларнинг ҳимоя қилиш масалалари бўйича қўлланма, 2014 йил 9 июнь
- БМТ ҚОКБ, Илғор тажриба мисоллари – 6-Ҳаракат: фуқаролиги йўқ шахсларни ҳимоя қилиш мақсадларида фуқаролиги йўқ шахслар мақоми аниқлаш мақомига кириш

<sup>64</sup> Босния ва Герцеговинанинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни, 11-модда.



# Фуқароликни йўқотиш

## Кириш

Фуқароликни йўқотиш шахс томонидан фуқароликдан воз кечиш бўйича фаол ҳаракат қилиши ёки қонуннинг автомат тарзда амал қилиши («ex lege») оқибатида содир бўлиши мумкин. Фуқароликни йўқотишни давлатнинг ҳокимият органлари ташаббус кўрсатиб, фуқароликни бекор қилган ҳолатларда содир бўладиган фуқароликдан маҳрум этишларидан фарқ этиш лозим.<sup>65</sup>

1961 йилги конвенцияга мувофиқ бу фуқаросизликка олиб келиши мумкин бўлган икки вазият истисно этилган ҳолатда фуқароликни йўқотиш ман этилади:

- агар чегара ташқарисида камида 7 йил мунтазам яшаб келаётган шахс ҳокимиятнинг тегишли органига ўз фуқаролигини сақлаб қолиш истагини билдирмаган ҳолатда;
- чегара ташқарисида бўлган давлат фуқароси ушбу давлат ҳудудида балоғат ёшига етгандан кейин 1 йиллик муддат тугагунча яшамаётган бўлса ёки ана шу муддат тугагунга қадар рўйхатдан ўтмаган ҳолатда (7(5)-модда).

7(5)-моддага келганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фуқаросизликка барҳам бериш ёки камайтириш бўйича конференциясининг III Яқунловчи ҳужжати резолюцияси, келажақда чегара ташқарисидаги фуқароларнинг фуқаролигини сақлаб қолиш, уларнинг ариза бериши ёки рўйхатдан ўтишига боғлиқлиги сақланиб қолинаётган давлатлар “ана шундай шахслар ўз вақтида бундай расмиятлар тўғрисида хабардор қилинишлари, шунингдек ўз фуқаролигини сақлаб қолишни хошлаётган бўлсалар, ўзлари риоя қилиши керак бўлган муддатлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиниши учун барча имконияти бор чораларни кўришлари кераклиги” тавсия этилади.<sup>66</sup>

Юқориди тилга олинган истиснолардан ташқари 1961 йилги конвенцияда қонун амал қилиши кучи бўйича фуқароликни йўқотишни кўзда тутадиган барча бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари (ex lege) фуқаросизликка нисбатан кафолатларга киритилишини талаб қилади. 5(1)-моддага мувофиқ фуқароликни йўқотишни кўзда тутадиган қонунларда “тегишли шахснинг шахсий мақомида никоҳдан ўтиш, никоҳни тўхтатиш, қонунлаштириш, тан олиш ёки асраб олиш каби қандайдир ўзгаришлар оқибатида фуқароликни йўқотиш бошқа фуқаролик борлиги ёки бошқа фуқароликни олиш шarti билан бўлиши керак”лиги талаб қилинади. Худди шу тарзда 6-моддага мувофиқ “эр-хотин ёки болалар улар томонидан фуқароликни йўқотиш ёки фуқароликдан маҳрум қилиш бошқа фуқаролик мавжуд бўлиши ёки бошқа фуқаролик олиш шarti билан бўлиши керак”.

Бундан ташқари, 1961 йилги конвенцияга мувофиқ “тегишли шахс бошқа фуқароликка эга бўлган ёки фуқароликни олган ҳолатлардан ташқари” фуқароликдан воз кечиш ман этилади (7(1)(a)-модда). Ушбу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган эркин

<sup>65</sup> Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенцияда ана шу тафовутлар “қонун амал қилиш кучи билан фуқароликни йўқотиш” тўғрисидаги қоидада аниқ кўрсатилган. Бу “ҳокимият ташаббуси бўйича фуқароликни йўқотиш қоидасидан ажратилган” (8-модда). Қаранг: шунингдек, БМТ ҚОҚБ, Тунис хулосалари, юқоридаги 9-банд.

<sup>66</sup> Женевада 1959 йил 24 мартдан 18 мартгача бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Келажақда фуқаросизликка барҳам бериш ёки камайтириш бўйича конференциясининг яқунловчи ҳужжати ва ана шу конференцияга I, II, III и IV резолюциялар, 1961 йил Нью-Йоркда қабул қилинган: [www.refworld.org/docid/4714aba39.html](http://www.refworld.org/docid/4714aba39.html) манзилида.

ҳаракат қилиш ёки таъқибдан бошпана излаш ҳуқуқларини камситиш эмас, балки фуқаросизликка нисбатан кафолатлашни таъминлашга қаратилган.<sup>67</sup>

Европа фуқаролик конвенциясида иштирок этувчи давлатларда 1961 йилги конвенцияда ўрнатилганларидан ташқари моддий ва тартиб мажбуриятлари бор. Энг аввало ушбу конвенция 7(3)-моддасига мувофиқ агар буни қўллаш оқибатида тегишли шахслар ҳатто “иштирок этувчи давлатлар ва одатда чет элда яшаётган фуқаро ўртасида амалда алоқа” мавжуд бўлмаса ҳам фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган бўлса, фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги қоидалар бўлишини ман этади.<sup>68</sup>

Бундан ташқари, ЕФК IV бобида фуқаролик билан боғлиқ барча масалага нисбатан қўлланиладиган қатор тартиб кафолатлар тартиблари ўрнатилади: мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиши керак (10-модда); қарорлар уларни чиқариш сабаблари кўрсатилган ёзма шаклда чиқарилиши керак (11-модда); суд ёки маъмурий тарзда қарорларни қайта кўриб чиқиш имконияти таъминлаши керак (12-модда); йиғимлар миқдори оқилona бўлиши ва улар қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисида аризачилар учун тўсқинлик қилмаслиги керак (13-модда).

## Қонунлар ва муваффақиятли амалиёт мисоллари

Фуқаросизликнинг олдини олиш нуқтаи назаридан давлатлар учун муваффақиятли амалиёт – (ex lege) қонун амал қилиши кучдалиги сабабли фуқароликни йўқотиш учун асосларни ўрнатиш ёки қўллашдан қочишдир. Қатор давлатларда принцип жиҳатидан фуқароликни йўқотиш кўзда тутилмайди, бу қўлланиладиган талаблардан шунчаки хабардор бўлмаган ҳолда фуқаросизлик хавфини камайтиради. Бунинг учун чегара ташқарисида яшаганида ўз вақтида миллий ҳокимият органларида рўйхатдан ўтиш керак.

Бошқа давлатларда қонун амаллари кучидалиги натижасида фуқароликни йўқотиш қоидалари сақланиб қолмоқда, лекин фуқаросизликка нисбатан тўла кафолат тақдим этилади. Масалан, **Финландиянинг** Фуқаролик тўғрисидаги қонунида, 22 ёшда бўлиб, мамлакат билан етарлича алоқада бўлмасдан иккита фуқароликка эга шахслар Финландия фуқаролигини йўқотиши кўзда тутилади. Мамлакат билан шахс етарлича алоқани сақлаб қолиш дейилганда, у агар “ёзма шаклда Финландия дипломатик ваколатхонасини, профессионал бошлиқ бўлган консуллигини ёки рўйхатга олиш бошқармасини Финландия фуқаролиги сақлаб қолиш нияти тўғрисида хабардор қилса”лиги тушунилади.<sup>69</sup> Ушбу қонунга мувофиқ миллий ҳокимият органлари “аҳоли тўғрисидаги маълумот тизимини” сақлаб туришлари шартлиги муҳимдир”. Бунда “улар билан алоқа қилиш” ва “22 ёшга етганида фуқароликни сақлаб қолиш тўғрисида маслаҳат бериш” учун 18 ёшга етган Финландия барча фуқароларининг манзиллари мавжуддир. Бундан ташқари, “агар шахс 22 ёшга етганида Финландия билан етарли алоқада бўлмаганлиги сабабли Финландия фуқаролигини йўқотган бўлса, рўйхатга олиш бошқармаси ушбу сабаб бўйича аҳоли тўғрисидаги маълумот тизимига ёзувини киритди ва тегишли томоннинг унинг манзили мавжуд бўлганда хабардор

<sup>67</sup> 7(11)-моддасида шундай дейилади: “Ушбу банднинг “а”-кичик банди қоидалари уларни қўллаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 13- ва 14-моддаларида баён этилган принципларга зид келган ҳолатларда қўлланилмайди”.

<sup>68</sup> ЕФК, 7(1)(е)-модда.

<sup>69</sup> Фуқаролик тўғрисидаги пакт (359/2003), 359/2003, 2003 йил 1 июль, 34-модда: по адресу: [www.refworld.org/docid/3ae6b51614.html](http://www.refworld.org/docid/3ae6b51614.html) манзилида.

қилади.<sup>70</sup> Бундай норма 1961 йилги конвенция, шунингдек келажакда фуқаросизликка барҳам бериш ёки уни қисқартириш бўйича конференция якунловчи ҳужжати мазмуни ва мақсадларига мувофиқдир.<sup>71</sup> Финландия қонуни, шунингдек 1961 йилги конвенция билан фуқароликдан воз кечиш фуқаросизликка олиб келмаслигини талаб қилишида ўзаро мувофиқдир. Ушбу мамлакатнинг Фуқаролик тўғрисидаги қонуни 35-моддасида қуйидагилар кўзда тутилади:

*“чет эл давлатининг фуқаролигига ҳам эга бўлган ёки чет эл давлати фуқароси бўлишни хоҳлайдиган Финландия фуқароси мурожаат бўйича Финландия фуқаролигидан озод бўлиши мумкин. Агар аризачи мурожаат бўйича қарор қабул қилганида чет эл давлатининг фуқароси бўлмаса, у Финландия фуқаролигидан фақат аризачи кўрсатилган муддат давомида чет эл давлати фуқаролигини олганлиги тўғрисида ҳужжатни тақдим этиши сабаблигина Финландия фуқаролигидан озод қилиниши мумкин. Ана шундай ҳужжат тақдим этилгандан сўнг ана шундай чет эл давлати фуқаролигини ушбу талаб бажарилгани тўғрисида гувоҳнома берилади.”<sup>72</sup>*

Финландияда аризачилар бошқа давлат фуқаролиги олганлиги тўғрисида исботни тақдим этиш тўғрисидаги талаб ёрдамида фуқаросизликка нисбатан зарур тарзда ҳимояланган. Бошқа фуқароликка “даъвогарлик қилинмоқда деб ҳисобланадиган” ёки “давлат ҳокимияти органлари бунга ишончлари комил” деб ҳисобланадиган шахсларнинг фуқароликдан воз кечиши ёки фуқароликни йўқотишига йўл қўядиган қонунлар фуқаросизликка нисбатан кафолатларни таъминлаш учун етарли эмас. 1961 йилги конвенцияда ўрнатилган стандартлардан келиб чиққан ҳолда одамлар фақат бошқа давлат фуқаролари бўлишлари кафолатлангандан кейингина ўзларининг амалдаги фуқаролигидан озод қилинишлари керак.

Яна бир фойдали мисол сифатида 2010 йилдаги **Туркменистоннинг** Фуқаролик тўғрисидаги қонунини ҳисоблаш мумкин. Унда фуқаросизликнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ ва ўзаро мутаносиб қоидалар мавжуддир. Ушбу қонунинг 5-моддасида “фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтириш” ўрнатилган. Бу “Туркменистон фуқаролигининг асосий принципларидан” бири ҳисобланади.<sup>73</sup> Шунингдек унинг 7-моддасида “никоҳ тузиш ёки никоҳни бекор қилишда Туркменистон фуқаролиги” оилавий аҳвол ўзгаришидан қатъий назар эр-хотин в болаларнинг мустақил ҳуқуқлари кўзда тутилади. Шунингдек, 16-моддада “Туркменистон фуқаросининг Туркменистон фуқаролигидан воз кечиши, агар у шу муносабат билан фуқаросиз шахс бўлиб қолса, кўриб чиқилмайди” эканлиги кўзда тутилади.

Бола ҳуқуқларига нисбатан халқаро принципларга мувофиқ Туркменистоннинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни 4-бобида болалар учун махсус кафолатлар ўрнатилади. Ушбу бобнинг 18(2)-моддасида қуйидагилар қайд қилинган: “агар боланинг ота-онаси (ёки) ягона ота ёки она Туркменистон фуқаролигидан воз кечса ёки Туркменистон фуқаролигини йўқотса, бола ҳам Туркменистон фуқаролигидан воз кечаётган бўлади, агар у шу муносабат билан фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолмаса”. 19(2)-моддада “агар Туркменистон фуқаролигини ота-оналардан бири олса, бошқалар эса фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қолса, бола яшаш жойидан қатъий назар Туркменистон фуқароси бўлади” деб кўзда тутилган. Бу қонданинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Ниҳоят, 23-моддага мувофиқ бола фуқаролигининг ҳар қандай – ота-оналари фуқаролигининг ўзгариши ёки асраб олиниши бола ўзининг аниқ ва ихтиёрий розилиги мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши талаб қилинади.

<sup>70</sup> Ўша жойда, 37-38-моддалар.

<sup>71</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Келажакда фуқаросизликка барҳам бериш ёки уни камайтириш бўйича конференция якунловчи ҳужжати, юқоридаги III Резолюция.

<sup>72</sup> Ўша жойда.

<sup>73</sup> Туркменистоннинг 2013 йилги Фуқаросизлик тўғрисидаги қонун, 2013 йил 22 июнь: [www.refworld.org.ru/docid/52ef9dcb4.html](http://www.refworld.org.ru/docid/52ef9dcb4.html) манзилида.

## Танишиш учун асосий манбалар

- Фуқароликни қисқартириш бўйича конвенция
- Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенция

# Фуқароликдан маҳрум қилиш

## Кириш

Фуқароликдан маҳрум этишга тааллуқли халқаро стандартларнинг энг мукамал қоидалари 1961 йилги конвенцияда мавжуддир. 8(1)-моддада Аҳдлашаётган давлатлар агар фуқароликдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорда у фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган бўлса, ҳар қандай шахс фуқароликдан маҳрум қилинмаслиги тўғрисидаги асосий нормани ўрнатади. Бундан кейин, 2- ва 3-бандларда давлатларга инсонни фуқароликдан маҳрум этиш имконини берадиган муфассал асослар санаб ўтилади. Ушбу асослар қуйидаги тарзда баён этилган:

- агар фуқаролик ёлғон маълумотларни маълум қилиш ёки алдаш оқибатида олинган бўлса (8(2) (б)-модда);
- агар тегишли “шахс ана шу Аҳдлашаётган давлат томонидан бевосита ман этилишини рад этиб, бошқа давлатга хизмат кўрсатган ёки хизмат кўрсатаётган бўлса ёхуд бошқа давлатдан маблағ олган ёки олаётган бўлса” (8(3)(а)(и)-модда);
- агар тегишли шахс “агар ушбу давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зарар етказадиган тарзда ўзини тутса” (8(3)(а)-модда);

Агар тегишли шахс “бошқа давлатга содиқлик тўғрисида қасамёд қабул қилган бўлса ёки расмий баёнот берган бўлса ёхуд ана шу Аҳдлашаётган давлатга содиқликдан воз кечиш ниятининг муайян исботларни берса” (8(3)(б)-модда).

1961 йилги конвенцияга мувофиқ фуқароликдан маҳрум этишнинг ана шу асосларига фақат уч шартга риоя этган ҳолда ҳавола этиш мумкинлиги муҳимдир. Биринчидан, фуқароликдан маҳрум этиш ҳуқуқи фақат “суд ёки бошқа мустақил орган томонидан ишни адолатли текшириш юзасидан тегишли шахс учун кўзда тутилган қонунга мувофиқ” бўлса (8(4)-модда). Иккинчидан, фуқароликдан маҳрум этишнинг сиёсати ёки амалиёти “ирқий, этник, диний ёки сиёсий асослар” билан боғлиқ бўлиши мумкин эмаслигида (9-модда) ва ниҳоят юқорида қайд этилган йўл қўйилиши мумкин бўлган фуқароликдан маҳрум этиш ҳуқуқи фақат конвенцияни “имзолаш, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш” да амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ ана шундай ҳуқуқни ўз ихтиёрларида қолдиришлари тўғрисида билдирган давлатлар томонидан амалга оширилиши мумкин (8(3)-модда).

1961 йилги конвенция бўйича музокаралардан кейин ўтган ўнлаб йиллар давомида давлатларнинг қонунчилиги ва амалиёти шуни кўрсатдики, агар чора фуқаросизликка олиб келадиган бўлса, фуқароликдан маҳрум қилмаслик лозимлигига тобора ортиб бораётган яқдилликдан гувоҳлик беради. Европа кенгашининг 21 аъзоси учун мажбурий ҳужжат ҳисобланадиган тегишли равишда ЕФҚда фуқароликдан маҳрум қилиш учун асослар тегишли шахслар фуқароликни “фирибгарлик амаллари, ёлғон маълумот ёки қандайдир аризага нисбатан муҳим далилларни яшириш орқали олганлигига билан боғлиқ вазиятлар билан чегараланади.”<sup>74</sup> Ҳақиқатда ЕФҚга мувофиқ, агар қабул қилинган қарор натижасида тегишли одам фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган бўлса, 1961 йилги конвенция 8(3)-моддасида, ҳатто ана шу асосларда фуқароликдан маҳрум этиш рухсат этилмайди. Шунингдек ЕФҚнинг 4(б)-моддасида фуқаросизликка йўл қўймаслик принципи тўғридан тўғри мустаҳкамлаб қўйилган.

<sup>74</sup> Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенцияси, 7-модда.

Бундан ташқари, ЕФКга 1961 йилги конвенцияда, ўрнатилган тегишли жараён ва камситишга йўл қўймасликка стандартлар ўрнатилганлиги батафсил тақдим этилган. ЕФКнинг 10-13-моддаларида энг кам тартиб кафолатларига нисбатан нормалар, шу жумладан фуқаролик бўйича барча қарорлар “оқилона вақт давомида” ёзма шаклда чиқарилиши, шунингдек маъмурий ёки суд тартибда қайта кўриб чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги талаблар ўрнатилган. Айна пайтда 5(2)-моддада фуқаролик маъносида камситишнинг йўл қўймаслик норма ривожлантирилади. Унда “ҳар бир иштирок этувчи давлат фуқаролар ўртасида, улар тугилиши бўйича фуқаро бўлганликлари ёки фуқароликни кейинчалик олганликларидан қатъий назар камситишга йўл қўймаслик принципига амал қилишлари керак”.

## Қўшимча халқаро стандартлар

### Ўзбошимчалик билан фуқароликдан маҳрум қилишни тақиқлаш

Қатор халқаро ҳужжатларда – масалан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (8(1)-модда) ва жисмоний шахсларнинг давлатнинг ҳуқуқ ворислиги муносабати билан жисмоний шахсларнинг фуқаролиги тўғрисидаги моддалар лойиҳасида<sup>75</sup> (16-модда) – шунингдек турли минтақавий шартномаларда<sup>76</sup> ана шу қоидаларда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 15-моддасининг “ҳеч ким ўз фуқаролигидан ихтиёрий маҳрум қилинмаслиги керак” қоидаси такрорланади.

Тегишли чора агар у: (1) қонуний мақсадга эришишга хизмат қилса; (2) хохламаётган натижага эришишнинг энг кам қатъий воситаси ҳисобланса; ва (3) ҳимоя қилинаётган манфаатларга мутаносиб бўлса ихтиёрий ҳисобланмаслиги умумэътироф этилган.<sup>77</sup> Бундан ташқари умумий англашилган мувофиқ ихтиёрий ҳаракатларнинг мавжуд эмаслиги тегишли жараён ва тартиб кафолатларининг энг кам стандартларига амал қилинишини назарда тутди. Ана шундай кафолатларга қуйидагилар тааллуқлидир: фуқаролик масаласи бўйича қарорни ёзма шаклда чиқаришни таъминлаш; ана шундай қарорларни жиддий қайта кўриб чиқиш имконияти мавжудлиги; шунингдек узил-кесил апелляция натижалари олингунга қадар фуқароликдан маҳрум қилиш (ва сургун қилиш) тўғрисидаги қарорлар амал қилинишини тўхтатиб туриш.<sup>78</sup> Фуқаросизликка олиб келадиган фуқароликдан маҳрум этиш “фуқаросизликнинг оқибатлари оғирлигини ҳисобга олган ҳолда” мутаносиб чора сифатида асосланиш жуда мураккабдир.<sup>79</sup>

<sup>75</sup> БМТнинг Халқро ҳуқуқ комиссияси томонидан 1999 йилда эллик биринчи мажлисда қабул қилинган ҳужжат.

<sup>76</sup> Масалан Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенция (4(1)(с)-модда), Америка Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (20(3)-модда), Араб Инсон ҳуқуқларининг хартиясининг қайта кўриб чиқилган таҳрири (29-модда), шунингдек Жанубий-Шарқий Осиё (АСЕАН) давлатли ассоциациясининг Инсон ҳуқуқлари декларацияси, (18-модда).

<sup>77</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, инсон ҳуқуқлари ва фуқароликдан ихтиёрий маҳрум қилиш: Бош котибнинг маърузаси, 2013 йил 19 декабрь.

<sup>78</sup> Ўша жойда, 31-33-бандлар. Шунингдек қаранг: Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенцияси, 11 ва 12-моддалар, уларда ана шундай стандартлар ўрнатилади.

<sup>79</sup> Ўша жойда, 4-банд.

## Турмуш ўртоқлар ва болаларни фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорларни узайтириш

Бошқа халқаро шартномаларда аёлларнинг фуқароликка мустақил ҳуқуқи тан олинади<sup>80</sup> ва болаларнинг ўзлигини, шу жумладан фуқаролигини сақлаб қолиш ҳуқуқи ҳимоя қилинади.<sup>81</sup> 1961 йилги конвенцияга (6-модда ва ЕФК 7(2)-модда) фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорларни эр-хотин ва болалар учун агар бу фуқароликка олиб келадиган бўлса, ман этади. Бундан ташқари шу муносабат билан БХКнинг давлатларнинг болаларга нисбатан барча ҳаракатларида “биринчи навбатда боланинг энг яхши манфаатларини таъминлашга эътибор қилиниши керак” принципи ўрантилади. Агар болалар фуқаролиги йўқ шахслар бўлиб қолса бу ҳеч бир ҳолатда боланинг энг яхши манфаатларига мувофиқ бўлмайди.<sup>82</sup>

## Қонунлар ва яхши амалиётларга мисоллар

Терроризм сабабли тобора ортиб бораётган ташвишлианишларни ҳисобга олган ҳолда сўнгги пайтларда қатор мамлакатларда давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари кенгайтирилди ёки фуқароларни фуқароликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ мавжуд ваколатлардан фаол фойдалана бошланди. Бироқ кўпгина бошқа давлатларда фуқаросизликка нисбатан кафолатларни сақлаб қолиш ёки ўрнатиш чоралари кўрилди.

Бунга **Канада** мисол бўла олади. 2014 йилда қабул қилинган Фуқаролик тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилиб, фуқароликни, шу жумладан терроризмда айблаш асосида бекор қилиш қоидалари жорий этилди.<sup>83</sup> 2017 йилнинг июнида Канада парламенти 2014 йилдаги кўпгина тузатишларни бекор қилиш учун овоз берди ва 1985 йилда қабул қилинган қонунчиликка қайтди, унга кўра фуқаросизликка олиб келадиган фуқароликдан маҳрум қилишга фақат ёлгон маълумотлар бериш, алдаш ёки фуқароликни олишда муҳим далилларни яшириш ҳолатларида йўл қўйиладиган бўлди.<sup>84</sup>

Украинанинг 2016 йилги сўнгги ўзгаришлар билан Фуқаролик тўғрисидаги қонуни 2-моддасида қуйидаги принциплар қамраб олинади: “Фуқаросизлик ҳолатлари пайдо бўлишининг олдини олиш” ва “Украина фуқароларининг Украина фуқаролигидан маҳрум этишнинг имконияти йўқлиги”. 19-моддага мувофиқ, фуқароликни йўқотишга асослар “агар бунинг оқибатида Украина фуқароси фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса қўлланилмайди” (норсамий таржима).<sup>85</sup>

<sup>80</sup> БМТнинг 1957 йилги турмушга чиққан аёлларнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция 1-модда; БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенция, 9-модда; Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенция, 4(д)-модда.

<sup>81</sup> Қаранг: масалан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 8-модда; Ислонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт 7(2)-модда.

<sup>82</sup> Қаранг: масалан Тунис хулосалари, юқоридаги 62-банд.

<sup>83</sup> 2014 йилги Канаданинг Фуқаролик тўғрисидаги қонунига ўзгартиришларига мувофиқ, Канада фуқароларини қатор жиноятлар, шу жумладан жиноят кодексида келтирилган белгилашларга мувофиқ равишда терроризм, давлатга хиёнат қилиш ёки жосуслик учун ҳукми қилиниши муносабати билан фуқароликдан маҳрум қилишни кўзда тутадиган қоидалар киритилди. Бироқ ушбу қонунга мувофиқ, шунингдек фуқаросизликка олиб келадиган фуқароликни бекор қилиш ман этилади: “Канада имзолаган инсоннинг фуқаросизликка нисбатан ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳар қандай халқаро ҳужжатларга зид бўладиган ҳар қандай қарорлар, чоралар ва баёнотларнинг 10(2)- ва 10.1(2)-кичик бандлари амал қилмайди”.

<sup>84</sup> Канаданинг Фуқаролик тўғрисидаги қонуни, 10(1)-модда.

<sup>85</sup> [www.legislationline.org/documents/action/popup/id/7179](http://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/7179)

Бундан ташқари, Украинанинг фуқаролик тўғрисидаги қонунида эр-хотиндан бирининг никоҳ бекор қилиниши Украина фуқаролигини йўқотиши иккинчи эр-хотиннинг Украина фуқаролигини автомат тарзда йўқотишига олиб келмаслиги кўзда тутилади, бу фуқаролик тўғрисидаги қонуннинг гендер тенглиги принципини интеграциялаш илғор амалиётига мувофиқдир. (Қаранг: 15-бетдан бошлаб гендер тенглигига нисбатан бўлим).<sup>86</sup> Бироқ фуқароликдан маҳрум этишнинг тегишли кафолатлари мавжуд бўлмаганида бу тегишли шахсларнинг эр-хотин ва болаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун айрим давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларида оиланинг ана шундай аъзолари ва/ёки фуқаросизликдан бевосита ҳимоя қиладиган қоидалар қабул қилинган. Масалан, **Мадагаскарнинг** 2017 йилда ўзгартиришлар киритилган Фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ Мадагаскар фуқаросининг фуқаролиқни йўқотиш тўғрисидаги қарори “ана шундай жазо қўлланиладиган шахс болалари ва эр-хотинга тааллуқли эмас”.<sup>87</sup>

Фуқароликдан маҳрум этиш тўғрисидаги фуқаросизликка нисбатан кафолатлар бўлган қонунларни қўллаш, хохламаган ҳолда фуқароларнинг турли тоифаларини пайдо бўлишига олиб келишига мумкин. Айрим мамлакатларда террорчилик фаолиятида иштирок этишига асосланган ҳолда фуқароликдан маҳрум қилиш фақат чет давлат фуқаролигига эга бўлганлар ҳамда иккинчи фуқаролик фуқаросизликка нисбатан кафолат сифатида бўлган шахсларгагина қўлланилади. **Канаданинг** ана шундай турли ёндашувлар тажрибаси пировард натижада маъқул бўлмади: 2014 йилда қабул қилинган ўзгартиришлар икки давлат фуқаролигига эга бўлган ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан рухсат берилиши пировард натижада бекор қилинди. Ана шундай воқеалар **Францияда** ҳам ривожланиб, 2015 йил ноябрида Парижда терроризм содир этилгандан кейин икки давлат фуқаролигига эга бўлган шахсларни фуқароликдан маҳрум этишга тааллуқли қоидаларга нисбатан эътирозлар тугдирди ва пировард натижада 2016 йилнинг бошида тўхтатиб қўйилди.

Натураллаштирилган фуқаролар ҳам фуқароликдан маҳрум қилиш натижасида янада ночор бўлишлари мумкин. Биринчидан, фуқароликдан ёлгон маълумотларни маълум қилиш ва алдаш муносабати билан маҳрум этиш мумкин. Бу фақат ана шундай фуқаролик натураллаштириш орқали тақдим этилган бўлса, натураллаштиришни фуқаролиқни қабул қилиш шартлари бажарилмаганлиги ёки алдаш асосида натураллаштиришни бекор қилиш тўғрисидаги қарор ретро фаол кучига эгаллиги орқали ташвишли янги тенденция сабабли бекор қилинади. Иккинчидан, натураллаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқаролигини олиши ёки олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги тасаввурлар хато бўлиши мумкин. Бунда туғилиши бўйича натураллаштирилган фуқаролар ўртасидаги тенгсизлик шакли халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш маъносида ташвиш тугдириши мумкин. Ана шундай муаммолардан қочиб мақсадидида **Австралиянинг** 2015 йилдаги фуқаролик тўғрисидаги ўзгартиришлар киритиш қонунида терроризм билан боғлиқ жиноятни содир этиш муносабати билан фуқароликдан маҳрум этиш асосларини киритиш муаммосидан қочиб учун ана шундай янги асослар Австралия фуқароси бўлган тегишли шахсга нисбатан қўлланилади. Бунда ана шу шахс қандай қилиб Австралия фуқароси бўлганлигидан қатъий назар (шу жумладан туғилиши бўйича Австралия фуқароси бўлган шахсга нисбатан) айрим давлатларда терроризм билан боғлиқликда фуқароликдан маҳрум қилиш учун янги асосларни киритиш билан бир қаторда 1961 йилги конвенциянинг 8(4)-моддасига мувофиқ равишда тегишли жараёни сақлаб қолишди ёки янги кафолатлар киритишди.<sup>88</sup>

<sup>86</sup> Ўша жойда, 2-модда.

<sup>87</sup> Loi n°2 016-038 modifiant et complétant certaines dispositions de l'Ordonnance n° 60-064 du 22 juillet 1960 portant Code de la nationalité malagasy, 2017 йил 25 январь (2017 йил 8 майдан кучдн), ст. 52, доступ по адресу: <https://bit.ly/3nr5Afx>.

<sup>88</sup> 2015 йилги Австралиянинг фуқаролик тўғрисидаги қонунига ўзгартиришлар киритиш (Австралия фуқароси тўғрисида) 33AA-моддаси: [www.legislation.gov.au/Details/C2015A00166](http://www.legislation.gov.au/Details/C2015A00166) манзилида.



Масалан, 2015 йилги **Австралиянинг** фуқаролик тўғрисидаги қонунига ўзгартиришлар тўғрисидаги қонунига тезкор хабардор қилиш ва ёзма шаклда хабардор қилиш, шунингдек “Конституциянинг 75-моддасига мувофиқ Австралиянинг Юқори судида ёки Австралиянинг Федерал судида 1903 йилги Суд тузилиши тўғрисидаги 39В-моддасига мувофиқ Федерал судида қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ қоидалар киритилди.”<sup>89</sup> Ана шу маънода тегишли жараённинг зарур кафолатларини ўрнатишда фуқароликдан маҳрум этиш ихтиёрий эмаслиги муҳимдир.

Ниҳоят амалий жиҳатдан давлатлар фуқароликни бекор қилиш халқаро ҳуқуққа амал қилаётган воситалар, шу жумладан мониторинг ва кузатиш, жиноий текшириш ва жиноий жавобгарликка тортиш миллий хавфсизликни таъминлашда камроқ самрали чора бўлиши мумкин. Бундан ташқари, террорчилар ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиши шубҳа қилинаётган шахсларни фуқароликдан маҳрум этиш давлатларнинг халқаро жиноятлар ижрочиларини экстрадиция қилиш ёки жавобгардикк тортиш мажбуриятларига зид бўлиши мумкин.<sup>90</sup> Хавф туғдирадиган шахсларни чиқариб юбориш чегара ташқарисида яшаётган фуқароларни ҳамда бошқа мамлакатлар фуқароларини хавф остига қўйиши мумкин. Шунинг учун хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни бошқа воситаларини қўллаш тавсия этилади.

## Танишиш учун асосий манбалар

- ➔ Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги конвенция
- ➔ Европа фуқаролик тўғрисидаги конвенция
- ➔ БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, Инсон ҳуқуқлари ва фуқароликдан ихтиёрий маҳрум этиш, Бош котиб маърузаси, 2013 йил 19 декабрь:  
[www.refworld.org.ru/docid/52f8d1f4.html](http://www.refworld.org.ru/docid/52f8d1f4.html) манзилида

<sup>89</sup> Ўша жойда, 33АА(10) ва 33АА(11)-моддалар.

<sup>90</sup> Қаранг: БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 23-22(2016)-резолюцияси, Хавфсизлик Кенгаши томонидан унинг 2016 йил 12 декабрдаги, 7831-мажлисида қабул қилинган: <https://bit.ly/3EduVjN>, манзилида

# Фуқаросизликнинг олдини олиш ва камайтиришга йўналтирилган намунавий ҳуқуқий қоидалар

## 1. Болалар ўртасида фуқаросизликка нисбатан кафолатлар

Туғилганда фуқаросизликка нисбатан умумий кафолатлар (1961 йилги конвенция, 1-модда)	<p>Х давлати ҳудудида туғилган, акс ҳолатда фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган ҳар бир шахс туғилиши бўйича фуқаро ҳисобланади</p> <p>Х давлати ҳудудида туғилган, келиб чиқиши бўйича фуқароликни ололмайдиган ҳар бир шахс туғилиши бўйича фуқаро ҳисобланади</p>
Топилма учун кафолатлар (1961 йилги конвенция, 2-модда)	Агар бола Х давлати ҳудудида топилган ва ота-оналари номаълум бўлса, шу давлатнинг фуқароси ҳисобланади. Х давлати ҳудудида топилган бола Х давлати фуқаролари бўлган ота-оналаридан ушбу давлат ҳудудида туғилган деб ҳисобланади.
Чегара ташқарисида туғилган болалар учун фуқаросизликка нисбатан кафолатлар (1961 йилги конвенция, 4-модда)	<p>Х давлати фуқаролари бўлган, она ёки отадан чегара ташқарисида туғилган бола, агар бу шахс акс ҳолда фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, автомат тарзда Х давлати фуқаролигини олади</p> <p>Х давлати фуқаролари бўлган, она ёки отадан чегара ташқарисида туғилган бола, агар бу шахс ҳеч бир бошқа давлат фуқаролигини олмаса,са, автомат тарзда Х давлати фуқаролигини олади</p>

## 2. Фуқаролик тўғрисидаги қонунларда гендер тенглиги

Ота-оналарнинг ўз фуқаролигини бериши (АКБК, 9(2)-модда)	<p>Агар боланинг отаси ёки онаси Х давлатининг фуқаролари бўлса, у туғилганида Х давлати фуқаролигини олади</p> <p>Х давлатининг фуқароси бўлган, агар вафот этмаганларида Х давлати фуқаролари бўлганлардан Х давлати ҳудудида туғилган ҳар бир бола туғилиши бўйича Х давлатининг фуқароси ҳисобланади</p>
Ота-оналарнинг ўз фуқаролигини беришлари (АКБК, 9(1)-модда)	<p>Х давлати фуқаросининг Х давлатининг фуқароси бўлмаган эри Ҳ йил никоҳдан кейин, ушбу давлат фуқаролигини олади</p> <p>Х давлати фуқаролари бўлган эр-хотин Х давлатининг фуқаролигини муроджаат қилиш орқали олади</p>

### 3. Фуқаролиги йўқ шахс мақомини аниқлаш тартиби

Исботлаш вазифаси	Фуқаролиги йўқ шахс мақомини тақдим этиш тўғрисида мурожаат қилишда исботлаш вазифаси аризачилар ва ҳокимият миллий органларининг биргаликдаги зиммасида бўлади
Исботлаш стандарти	Агар оқилона доирада тегишли шахс қонун кучига кўра қайсидир давлат фуқароси сифатида кўрилмайдиган бўлса, фуқаросизликка нисбатан хулоса асосланган бўлади
Маъмурий ва суд тартибида қайта кўриб чиқиш	Фуқаролиги йўқ шахс мақомига нисбатан қарор маъмурий ва суд тартибида маъмурий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишнинг одатдаги тизимига мувофиқ қайта кўриб чиқилади. Маъмурий ва суд ҳуқуқий ҳимоя воситалари томонидан апелляция берилиши чиқариб юборишга нисбатан ҳар қандай қарор ижро этилишини тўхтатади

### 4. Натураллаштиришни соддалаштириш

Тартиб тўғрисида маълумотни тарқатиш	Ҳокимиятнинг ваколатли органлари фуқаролиги йўқ шахсларга уларнинг натураллаштириш учун мезонлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотни улар тушунадиган тилда тақдим этади
Харажатлар	Фуқаролиги йўқ шахслар одатда натураллаштириш жараёнида, шу жумладан улар мурожаати бериши муносабати билан, ҳужжатни (масалан гувоҳномалар) олиш учун қонунийлаштиришдан ва одатда тўлаш керак бўлган йиғимларни тўлашдан озод қилинади
Давомийлик	Натураллаштиришга интилаётган фуқаролиги йўқ шахс уларда бўлган ёки амалда топа оладиган барча исботларни тақдим этишлари керак, ҳокимиятнинг ваколатли органлари эса имконият даражасида бошқа зарур ҳужжатларни олишга ёрдам беришлари керак
Исботлаш стандарти	Мурожаат бўйича қарор чиқариш зарурати бўлганда ҳокимиятнинг ваколатли органи натураллаштириш тартиби давомида ушбу жараён талабларига амал қилиш мақсадида ҳамкорлик қилган фуқаролиги йўқ шахс фойдасига талқин этишлари керак
Бепул ҳуқуқий ёрдам	Қандайдир иқтисодий маблағларга эга бўлмаган фуқаролиги йўқ шахсларга натураллаштириш тартибининг барча босқичларида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади
Яшашга нисбатан талаблар	Фуқаролиги йўқ шахс яшаш муддатига нисбатан мезонларни бажариш заруратисиз натураллаштириш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда ана шу талабга амал қилиш бошқа давлат фуқаролари бўлган чет элликларга тааллуқлидир
Тилни ва бошқа билимларни билиш	Фуқаролиги йўқ шахслар тилни, тарих ёки маданиятни билишни текшириш учун имтиҳон топширишдан озод қилинадилар
Ҳужжатларга нисбатан талаблар	Фуқаролиги йўқ шахслар ўзларида саломатликлари тўғрисида справкалар ёки келиб чиқиш мамлакатига судланмаганлиги тўғрисидаги справкалари йўқ бўлса ва уларни олиш имкониятига эга бўлмасалар, ана шундай ҳужжатларни тақдим этишдан озод қилинадилар

## 5. Фуқароликни йўқотиш ёки фуқароликдан воз кечиш

Фуқаросизликка нисбатан умумий кафолатлар	Ҳокимиятнинг ваколатли органлари фуқаролиги йўқ шахсларга уларнинг натураллаштириш учун мезонлари ва талаблари тўғрисидаги маълумотни улар тушунадиган тилда тақдим этади
Фуқароликдан воз кечиш тўғрисидаги қоидалар	ҲХдавлати фуқаросининг фуқароликдан воз кечиш тўғрисидаги мурожаати, агар шу сабабли фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган бўлса кўриб чиқилмайди  Фуқаронинг фуқароликдан воз кечиш тўғрисидаги қарори ушбу шахс болалари ва/ёки эри/хотинига тааллуқли бўлмайди

## 6. Фуқароликдан маҳрум этиш

Фуқаросизликка нисбатан умумий кафолатлар	Агар тегишли шахс фуқароликдан маҳрум этилиши оқибатида фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қоладиган бўлса, фуқароликдан маҳрум этиш учун асослар қўлланилмайди  Ушбу ҳужжатнинг фуқароликни йўқотиши ёки фуқароликдан маҳрум қилиниши қоидалари уларни қўллаш оқибатида тегишли шахс фуқаролиги йўқ шахс бўлиб қолса, қўлланмаслиги керак  Тегишли фуқаронинг фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор унга нисбатан қўлланилган бу жазо болалари ва эри/хотинига тааллуқли бўлмайди
Тегишли жараён кафолатлари	Фуқароликдан маҳрум қилинадиган барча шахслар ҳар қандай қарор тўғрисида ёзма шаклда билдирги олиш ҳуқуқига, адолатли суриштирув ҳуқуқига, шунингдек ушбу қарорни судга ёки мустақил органга шикоят қилиш аниқ имкониятига эга бўлиши керак. Фуқароликдан маҳрум қилиш (ва чиқариб юбориш) тўғрисидаги ҳар қандай қарор узил-кесил апелляция натижалари олингунга қадар тўхтатиб турилади

# Қуйидагилар тўғрисида бир нечта сўз...

## БМТ ҚОКБ

БМТ ҚОКБ БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича органи бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун жаҳонда қочоқларни ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича халқаро амалларни ўтказиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек ҳукуматлар билан биргаликда қочоқлар муаммоларини ҳал этишни излаш бўйича мандатга эга.

БМТ ҚОКБнинг асосий мақсади – қочоқлар бирдамлигини кафолатлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. БМТ ҚОКБ ҳар бир одамнинг бошпана излаш ва бошқа давлатда хавфсиз қўним топиш ҳуқуқига амал қилинишини таъминлашга интилади. БМТ ҚОКБ қочоқларга ўз мамлакатига ихтиёрий қайтиб келишда ёки бошқа мамлакатда жойлашишга ёрдам кўрсатиб, шунингдек муаммоларнинг узоқ муддатли қарорларини топишга интилади.

БМТ ҚОКБ ташкилот Уставига мувофиқ иш кўради ва 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция унга 1967 йилги Протоколга амал қилади.

Вақт ўтиши билан БМТ Бош Ассамблеяси ва БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) БМТ ҚОКБнинг масъулияти доирасини кенгайтирди ва уни кўрсатилган ҳужжатларда қамраб олинмаган ҳамда қуролли можаролар ва қуролли зўрлаш оқибатида мажбурий кўчиб юриш вазиятларида бўлган шахслар бошқа гуруҳларини ҳимоя қилишни таъминлашга ваколат берди. Ана шундай шахсларни бир қисми “мандатли” қочоқлар, яна бир қисми – репатриятлар, фуқаролиги йўқ шахслар ва муайян ҳолатларда ички кучирилган шахслар деб аталади.

БМТ ҚОКБ давлатларни ва бошқа институтларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва баҳсларни тинч асосда ҳал этишга ёрдам берадиган шароитларни яратишга даъват этиб, одамларнинг мажбурий кўчиб юриши ҳолатлари сонини камайтиришга интилади. БМТ ҚОКБ ана шу мақсадларга эришиш учун келиб чиқиш мамлакатларига қайтаётган қочоқларни қайта интеграциялаш жараёнларини мустаҳкамлашга интилади, бу билан қочоқлар оқимлари пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар такроран пайдо бўлишининг олдини олади.

БМТ ҚОКБ ҳолис иш кўриб, эҳтиёжларини ҳисобга олиб ва ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши, ногиронлиги ёки бошқа белгилари бўйича эҳтиёжларини ҳисобга олади. БМТ ҚОКБ ўз фаолиятининг барча йўналишларида болаларнинг алоҳида эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратади ҳамда хотинлар ва қиз болалар учун тенг ҳуқуқларни, шунингдек ночор ва (ёки) маргиналлашган гуруҳлар вакилларига таъминлашга кўмаклашишга интилади.

БМТ ҚОКБ қочоқларни ҳимоя қилиш ва улар муаммоларини ҳал этишга ёрдамлашиш бўйича саъй-ҳаракатларида ҳукуматлар минтақавий, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

БМТ ҚОКБ қочоқлар билан улар ҳаётига таъсир кўрсатадиган қарорларга нисбатан, шунингдек уларнинг ёш ва гендер ҳолатларига, ҳамда турфалик хусусиятларига эътибор қаратиб, маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали иштирок этиш принципига амал қилади.

## ва Парламентлараро иттифоқ тўғрисида

Парламентлараро иттифоқ – барча давлатлар миллий парламентлари вакилларини бирлаштирадиган махсус ташкилотдир. Биз демократияни сиёсий мулоқот олиб бориш ва аниқ амалларни амалга ошириш орқали ҳимоя қиламиз ва қурамиз. 2017 йил 17 декабрдаги маълумотга кўра, ПАИ таркибига **178 та парламент аъзолари** ва 11 та асоциялашган аъзолар киради. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва мақсадларига қўшиладиган бошқа шериклик ташкилотлари билан ҳамкорлик қиламиз.

Фаолиятимиз асосида тинчлик, адолат, демократия ва ривожланиш манфаатларида фаолиятнинг **доим кенгайиб бораётган доираси** ётади. Биз турли масалалар, масалан ТИВ/ОТИВ, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, иқлим ўзгариши ва ёшларнинг сиёсий иштирок этиши устида иш олиб борамиз. Биз можаро ҳолатидан чиқаётган ёки демократик давлат сифатида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатамиз.

Бизнинг ишимиз, шунингдек **халқаро бошқарув** тўғрисида ниҳоятда муҳим ишни амалга ошириш орқали глобал кўламдаги қарорларни қабул қилишда бутун жаҳондаги фуқаролар фикрини эътиборга олишдан иборатдир.

Бугунги кунда биз жаҳон ижтимоий фикрини энг аниқ ифода қиладиган ташкилот ҳисобланамиз. Жаҳондаги етти миллиард одамдан 6,5 миллиарди парламентлари ПАИ аъзолари бўлган давлатларда яшайди ва бевосита уларнинг сайланган вакиллари бизнинг сиёсатимиз билан шуғулланади ва унинг йўналишини аниқлайди.

Биз парламентларни бирлаштириб – одамларни бирлаштирмақдамиз.

ПАИ жаҳондаги энг кўхна кўп томонлама сиёсий ташкилот бўлиб, **1889 йилда** халқлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан тартибга солиш учун парламентлараро мулоқотдан фойдаланиш мақсадида **ташқил этилган**. Ана шу қараш 1889 йилда бўлгани каби бугунги кунда ҳам ана шундай муҳим ва долзарбдир.




Бизнинг ташкилотимизни асосан унинг аъзолари давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштиради. Ташкилотимизнинг қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган.







Inter-Parliamentary Union

For democracy. For everyone.

 +41 22 919 41 50  
 +41 22 919 41 60  
 [postbox@ipu.org](mailto:postbox@ipu.org)

Chemin du Pommier 5  
Case Postale 330  
1218 Le Grand-Saconnex  
Geneva – Switzerland  
[www.ipu.org](http://www.ipu.org)



 +41 22 739 81 11  
 +41 22 739 73 77

Case Postale 2500  
CH-1211 Genève 2 Dépôt  
Switzerland  
[www.unhcr.org](http://www.unhcr.org)